ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
26 АПР
ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 94 (18.571). • Якшанба, 1983 йил 24 апрель • Баҳоси 3 тийин.

«Ташсантехмонтаж» трестининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, Тошкент шаҳар партия комитети аъзоси Абдусамад Гулматов бошлиқ бригадаси яқинда катта зафар қучди. Газ монтажчилари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан анча илгари адо этганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Бригада бир беш йилликда икки беш йиллик нормани адо этиш юзасидан олган мажбуриятини сўзсиз бажаришга қатъий аҳд қилган.

Суратда: бригада бошлиғи А. Гулматов.

Т. Каримов фотоси (ЎзТАГ).

МАРКС, ЛЕНИН ИШИ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ!

Социалистик мамлакатлар фанлар академиялари кўп томонлама ҳамкорлигининг «Ҳозирги замон капитализмини тадқиқ этиш» халқаро проблема комиссиясининг мажлиси 23 апрель куни Тошкентда тугади. Кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишда, «Капиталистик мамлакатлар экономикасидаги структурали силжишлар ва структура сиёсати» мавзуидаги илмий сессияда Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Чехословакиядан келган таниқли иқтисодчи олимлар иштирок этдилар.

— Биз ҳозирги, ўн саккизинчи мажлисни, — деди мухбир билан суҳбатда халқаро проблема комиссиясининг раиси профессор Лутц Майер, — илмий коммунизм асосчиси Карл Маркс туғилган куннинг 165 йиллигига ҳамда вафот этган куннинг 100 йиллигига бағишладик. Программага биноан ўтказилган илмий сессия, масалаларни муҳокама қилишнинг бутун бориши шуни яна бир бор яққол кўрсатдики, улуғ Ленин мунтазам революцион таълимот қилиб ривожлантирган Маркс назарияси, унинг методологияси ҳозирги замон жаҳон экономикасида содир бўлаётган жараёнларни анализ қилиш ва баҳолаш учун бирдан-бир тўғри калитни беради. Ҳозир бутун дунёда улуғ Ленин туғилган куннинг 113 йиллиги нишонланмоқда.

Анъанага кўра, ялпи мажлислардан бирини биз ишлаш учун йиғиладиган мамлакатнинг социал-иқтисодий обзорига бағишлаймиз. Бундай обзорда бутун Совет Иттифоқини қамраб олиш мумкин бўлмаганлиги сабабли анъанавий таништиришимиз мавзуси бу гал Совет Ўзбекистони бўлди. Биз шу масала юзасидан сермазмун докладлар қилган ўзбекистонлик олимлардан миннатдормиз. Совет халқларининг ягона оиласида капиталистик ривожланишнинг оғир босқичини четлаб ўтиб, етук социализмга қадам қўйган Ўзбекистоннинг социал-иқтисодий тажрибаси катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб, ривожланаётган ёш давлатлар учун яққол намунадир.

Проблема комиссияси раҳбари мажлис иши учун яратилган шарт-шароитларга юксак баҳо берди, бу ҳол мазкур мажлисда ўртага қўйилган барча вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берди, деб таъкидлади. Бундан буёнги тадқиқотларнинг, социалистик мамлакатлар олимлари ижодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг йўллари белгиланди.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

СССР САНОАТИДА 1983 ЙИЛ 1 КВАРТАЛ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Саноат ходимлари маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1 квартал планини 102 процент қилиб адо этдилар.

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,7 процент бўлди. Меҳнат унумдорлиги 3,9 процент ортди; саноат ишлаб чиқариши ўсишининг 85 проценти шунинг ҳисобига олинди. Маҳсулотнинг таннархи ва унга материал сарфи камайди, фойда ортди.

Министрликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг кўрсаткичлари қуйидагича бўлди:

Умумиттифоқ ҳамда Иттифоқ-республика министрликлари ва идоралари	маҳсулот ҳажми юзасидан квартал планининг бажарилиш проценти	1983 йил 1 кварталида 1982 йил 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Энергетика ва электрлаштириш	100,3	102	99
Нефть саноати	102	102	99,5
Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати	100,4	103	103
Газ саноати	103	107	106
Кўмир саноати	101	102	99,2
Қора металлургия	103	104	103
Рангли металлургия	101	105	104
Химия саноати	102	104	104
Минерал ўғит ишлаб чиқариш	102	112	109
Энергетика машинасозлиги	103	106	104
Оғир ва транспорт машинасозлиги	101	104	104
Электротехника саноати	102	108	108
Химия ва нефть машинасозлиги	102	108	108
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	102	107	106
Приборсозлик, автоматлаш воситалари ва бошқариш системалари	102	107	108
Автомобиль саноати	103	104	104
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	102	107	106
Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги	102	110	107
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	104	106	105
Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари	102	107	107
Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати	102	106	106
Бинокорлик материаллари саноати	102	106	106
Енгил саноат	99,7	102	103
Озиқ-овқат саноати	103	106	106
Мева-сабзавот хўжалиги	107	112	110
Гўшт ва сут саноати	103	108	107
Балиқ хўжалиги	107	105	105
Тайёрлаш	103	103	102
Медицина саноати	101	108	107
Микробиология саноати бош бошқармаси	104	119	115

Соф маҳсулотга қараб планлаштириш ва фаолиятга баҳо беришга тамомила ўтказилган машинасозлик министрликлари, Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати, Бинокорлик материаллари саноати, Тайёрлаш министрликлари ҳамда Микробиология саноати бош бошқармасининг маълумотлари ана шу кўрсаткич юзасидан келтирилган.

Иттифоқдош республикалар бўйича (Иттифоққа бўйсунувчи саноатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши суръатлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича бўлди:

	маҳсулот реализация қилиш юзасидан квартал планини бажариш проценти	1983 йилнинг 1 кварталида 1982 йилнинг 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
РСФСР	101	104,3	103,9
Украина ССР	102	104,6	103,9
Белоруссия ССР	102	105,5	104,2
Ўзбекистон ССР	102	106,0	103,0
Қозоғистон ССР	102	104,0	102,2
Грузия ССР	102	105,5	104,5
Озарбайжон ССР	102	105,2	103,6
Литва ССР	103	106,2	105,6
Молдавия ССР	103	117,5	116,0
Латвия ССР	102	103,6	103,7
Қирғизистон ССР	102	102,0	101,2
Тожикистон ССР	103	102,7	100,4
Арманистон ССР	102	103,2	100,7
Туркманистон ССР	103	105,1	103,8
Эстония ССР	102	105,6	105,6

Маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган планни барча иттифоқдош республикалар бажарди

Умуман мамлакат бўйича энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1983 йилнинг 1 кварталида ишлаб чиқарилгани	1983 йил 1 кварталида 1982 йил 1 кварталига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси, миллиард киловатт-соат	381	103
Нефть (газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) миллион тонна	153	102
Газ, миллиард кубометр	135	108
Кўмир, миллион тонна	186	100,1
Пўлат, миллион тонна	37,9	103
Қора металл прокати (тайёри) миллион тонна	26,4	102
Пўлат қувурлар, миллион тонна	4,7	106
Темир рудаси, миллион тонна	60,2	102
Минерал ўғит (озиқлантирувчи моддаларнинг 100 процентига айлантириб ҳисоблаганда), миллион тонна	7,4	112
Ўсимликларни ҳимоя этиш химиявий воситалари (шартли бирликда), минг тонна	144	104
Сульфат кислота, миллион тонна	6,4	105
Синтетик смола ва пластмасса, миллион тонна	1,1	107
Химиявий тола ва иплар, минг тонна	327	103
Автопокришкалар, миллион дона	15,8	100,6
Турбиналар, миллион киловатт	4,0	125
Ўзгарувчан ток электр двигателлари, миллион киловатт	13,5	104
Металл қирқиш станоклари, миллион сўмлик	538	104
Шу жумладан, рақамли программа асосида бошқариладиган станоклар	140	116
Темирчилик-пресслаш машиналари, миллион сўмлик	167	109
Программа билан бошқариладиган автомат манипуляторлар (саноат роботлари), минг дона	1,7	139
Автоматлаштириш приборлари воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, миллион сўмлик	1069	108
Ҳисоблаш техникаси воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, миллион сўмлик	743	111
Нефть аппаратлари, миллион сўмлик	54,1	104
Химия асбоб-ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, миллион сўмлик	206	106
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология асбоб-ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, миллион сўмлик	389	106
Магистрал тепловозлар, минг от кучи	968	100,3
Магистрал электровозлар, минг от кучи	970	100,2
Магистрал юк вагонлари, минг дона	15,1	99,3
Енгил автомобиллар, минг дона	328	102
Тракторлар, миллион от кучи	12,5	102
Қишлоқ хўжалик машиналари, миллион сўмлик	862	109
Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машиналар, миллион сўмлик	600	107
Комбайнлар, минг дона:		
дон комбайнлари	29,5	111
маккажўхори комбайнлари	0,5	133
картошка қазийдиган комбайнлар	2,5	93

(Давоми иккинчи бетда).

«СОЮЗ Т-8» КЕМАСИНИНГ ПАРВОЗИ ТУГАДИ

ТАСС ахбороти

Космонавтлар Владимир Георгиевич Титов, Геннадий Михайлович Стрекалов ва Александр Александрович Серебровлардан иборат составдаги «Союз Т-8» космик кемаси экипажи Ерга қайтиб тушди.

«Союз Т-8» кемасининг тушририлувчи аппарати 1983 йил 22 апрель Москва вақти билан соат 17 дан 29 минут ўтганда Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган районида — Орқалиқ шаҳридан 60 километр шимоли-шарқда Ерга қўнди.

Космонавтлар тушиш олдидан кемани мўлжал олдирдилар, шундан кейин орбитал бўлма изчиллик билан ажратилди, тормоз берувчи мотор қурилмаси уланди ва туширилувчи аппарат прибор агрегат бўлмасидан ажратилди.

Кишн бошқара бошлаган аппарат пасайганидан кейин атмосферада парашют системаси ишга туширилди. Бевосита Ерга яқин қолганда оҳиста қўниш моторлари ишлай бошлади ва туширилувчи аппарат Ерга равон қўнди.

Космонавтлар Титов, Стрекалов ва Серебровларнинг саломатлиги яхши.

Тошкентда совет адабиёти кечаси

Совет ёзувчилари кишиларни ёрқин илҳомбахш сўзлар билан севимли Ватанни равнақ топтириш йўлида янги-янги зафарларга чорламоқдалар. Сўз усталари 23 апрель куни республика Кино уйида бўлиб ўтган кўпмиллатли совет адабиёти кечасида коммунизм қурувчиларини шарафловчи қаҳрамонона бунёдкорлик натижасида юзага келган ўз асарларини ўқиб бердилар. Бу ерга, Тошкент меҳнаткашлари вакиллари билан учрашувга Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини тамомлаган Москва, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон драматурглари ижодий конференциясининг қатнашчилари, республиканинг таниқли шоирлари ва адиблари келишди.

Кечани Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин олиб борди.

Ёзувчининг жонажон халқ ишлари ва орзу-умидлари билан анаънавий ҳаётбахш алоқалари, ССР Иттифоқи барча миллатлари ва элатлари миллий маданиятларининг янада яқинлашиши ва ўзаро бойиб бориши жараёни — совет адабиёти ва санъатининг янада муваффақиятли ривожлантириш гаровидир. Мамлакатимиз сўз усталари, ижодкор ёшлар ўз изланишлари ва муддаоларини совет кишиларининг янги жамият қуриш учун, ер юзида тинчликни ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши билан таққосламоқдалар. Кечада сўзга чиққан СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. Д. Салинский, москвалик драматурглар А. М. Борщаговский, Э. С. Радзинский, Л. А. Жуховицкий, В. И. Славкин, Қозоғистон Ёзувчилари союзи праавлениесининг секретари Ш. Муртазаев, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Мирмуҳсин ва А. Мухтор ҳамда бошқа кўпгина кишилар шу ҳақда гапирдилар.

Турли жанрларда яратилган ва Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат мавзуси билан бирлашган, бунёдкор халқнинг шонли ишлари ва олижаноб орзу-ниятларидан фахрланиш туйғуларини ифода этувчи шеърлар ва асарлардан парчалар янгради.

Йиғилиш аҳли жонажон диёр гўзаллигини, коммунизм бунёдкори бўлган замондошимизнинг улуғворлигини тараннум этувчи шеърий асарларни қарсаклар билан кутиб олди.

(ЎзТАГ).

МОЗАМБИККА КЕТА ТУРИБ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев бошчилигидаги КПСС делегацияси ФРЕЛИМО партиясининг IV съездида иштирок этиш учун Мапутуга бора туриб 23 апрель куни Тошкентда тўхтаб ўтди.

Делегация составида Воронеж область партия комитетининг биринчи секретари В. Н. Игнатьев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси Г. П .Лоцманова бор.

Тошкент аэропортида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов кутиб олдилар.

Шу куни П. Н. Демичев бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкентнинг Марказий майдонида В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар ҳамда Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйдилар. Делегация шаҳар билан танишиш мақсадида сафар қилди.

Кечқурун П. Н. Демичев ва делегациянинг бошқа аъзолари Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида А. Меликовнинг «Икки дил достони» балетини томоша қилдилар.

(ЎзТАГ).

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ маъмурияти жаҳон океани ва унинг бойликларидан фойдаланиш масалаларидаги ўз сиёсати тўғрисида баёнот берди.

Баёнотда уқтириладики, АҚШ БМТнинг денгиз ҳуқуқига доир янги конвенциясини ҳамон имзоламоқчи эмас ва у жаҳон океани бойликларига нисбатан ўз билганича иш кўриш ниятида эканлиги эълон қилинади. Аслида АҚШ бирон-бир мамлакатнинг юрисдикциясига кирмайдиган районлардаги денгиз ва океанларнинг тубидан фойдали қазилмаларни қазиб олишга нисбатан сиёсий ҳамда иқтисодий чеклашлардан ҳоли режимга эга бўлишни истар эди. Бу ҳақда тўғридан-тўғри айтилмоқда.

АҚШнинг ҳозирги маъмурияти конвенцияни ишлаб чиқишда қатнашган ва уни имзолаган давлатлар ғоят катта кўпчилигининг коллектив фикрини шу тариқа назар-писанд қилмаётганлигини намойиш этиб, Америка монополиялари жаҳон океани фойдали қазилмалари ва ресурсларини ўзбошимчалик билан ҳеч қандай назоратсиз ўзлаштираверишларини ошкора эълон қилмоқда.

Айни вақтда АҚШ соҳили бўйлаб 200 денгиз миляси кенглигида «алоҳида иқтисодий зона» ўрнатилажаги эълон қилинди, ана шу зона чегарасида АҚШ жонли ва жонсиз ресурсларнинг тўла хўжайини бўлиб қолади.

Баёнотда Вашингтон конвенциянинг айрим моддаларига амал қилишни назарда тутмоқда, деб айтилган гаплар ҳеч кимни чалғитмаслиги керак.

Бу хунук бир найрангдан бошқа нарса эмас. АҚШ конвенцияни имзоламай ва у зиммага юклайдиган мажбуриятларни қабул қилмай, айни вақтда ўзининг тор манфаатларига мос келадиган жойларда конвенция унинг иштирокчиларига берадиган ҳуқуқлар ва афзалликлардан фойдаланмоқчи бўлади. Бунда конвенция бир бутун ва ажралмас эканлигидан иборат энг асосий факт назар-писанд қилинмаяпти. Конвенция денгиз кенгликлари, океанларнинг жонли ва минерал ресурсларидан фойдаланиш режимининг ўзаро чамбарчас боғланган барча проблемалари юзасидан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган аҳдлашувлар йиғиндисидир. Конвенциядан бир қоидани ўзбошимчалик билан юлиб олиш ва бошқа қоидаларни инкор этиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар конвенция денгизларда белгилайдиган ҳуқуқ-тартиботга хилоф бўлиб, бошқа давлатларнинг қонуний манфаатларига қарши қаратилгандир.

Шу нарса мутлақо равшанки, АҚШ озгина давлатлар қаторида конвенцияни имзолашдан бош тортиб, эндиликда ўзининг бир томонлама ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан асосли қилиб кўрсатиш учун, жаҳон океани ва унинг бойликларига нисбатан ўзининг мутлақо ғайри қонуний даъволарига қандай қилиб бўлса-да, қонуний тус беришга уриниб кўриш учун ҳамма ишни қилмоқда.

БМТнинг денгиз ҳуқуқига доир конференциясининг кўп йиллик иши давомида Америка Қўшма Штатлари мутаносиб муросага эришишга ҳалақит бериш, жаҳон океанида ўзига алоҳида режим ўрнатилишига эришиш учун зўр бериб уринганлиги яхши маълум. Вашингтон ўзи учун кўпроқ луқмани қўлга киритишдан иборат бирдан-бир мақсадга амал қилди. Конференция қатнашчилари бу даъволарни рад этдилар.

Ҳозирдаёқ 120 дан кўпроқ мамлакат имзолаган конвенция барча давлатларнинг ва давлатлар группаларининг манфаатларини баб-баравар ҳисобга олади. Яна шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, конвенциянинг бир қанча қоидалари илгари АҚШнинг ўзи киритган таклифларга асосланган. Аммо, кўриниб турибдики, илгари эришилган аҳдлашувларни бекор қилиш умуман Американинг ҳозирги маъмурияти учун хатти-ҳаракат нормаси бўлиб қолди.

АҚШ маъмурияти денгиз ресурсларини чекланмаган миқдорда қўлга киритишга уринаётган Америка йирик монополияларининг фойдасини кўзлаб ,конвенцияга путур етказишга, конвенцияга нисбатан ўзининг тўсқинчилик ёндашувини бошқа давлатларга ҳам тиқиштиришга уринмоқда. АҚШ президентининг қарорлари тайёргарлик комиссияси иш бошлаган бир пайтда эълон қилинганлиги асло тасодифий эмас. Ана шу комиссияда конвенциянинг денгиз туби ресурсларидан фойдаланишга тааллуқли қоидаларини рўёбга чиқаришнинг амалий масалалари кўриб чиқилмоқда.

АҚШ ҳозирги маъмуриятининг хатти-ҳаракатлари денгиз кенгликларидан фойдаланиш масалаларида ишкалликлар чиқаришга, инсон фаолиятининг мана шу ҳаётий муҳим соҳасида мамлакатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги асосларини кўпоришга уринишдан бошқа нарса эмас, бу эса давлатларнинг кўпчилигини жиддий хавотирлантирмай қололмайди. Совет Иттифоқи ҳам бундан ҳавотирланади ва Америка Қўшма Штатлари бу соҳада ҳам ўтказмоқчи бўлаётган ўзбошимчалик сиёсатини бошқа мамлакатлар билан биргаликда қатъиян рад этади.

Яна шунга ҳам эътиборни жалб этиш керакки, АҚШ жаҳон океанида ўзи учун алоҳида, асоссиз имтиёзларга эришишга ҳаракат қилиш билан бирга ўз ҳомийлиги остидаги орол территорияларига ва шунга мувофиқ улар атрофидаги денгиз кенгликларига нисбатан ўзининг ғайри қонуний даъволарини мустаҳкамлашга уринмоқда. Америка монополиялари ана шу территориялар ва денгиз кенгликларига аллақачонлардан буён кўз олайтириб келмоқдалар.

Вашингтондагилар шуни яхши билиб қўйишлари керакки, БМТнинг денгиз ҳуқуқига доим янги кенг қамровли конвенциясини бойкот қилиш ва барбод этишга, денгиз туби ресурсларига нисбатан ўзбошимча тадбирларни амалга оширишга қаратилган йўлни ўтказаётганликлари давлатлар ғоят катта кўпчилигининг манфаатларига зид бўлиб, мазкур давлатлар бу йўлни қатъиян қоралайдилар. Денгиз кенгликлари режими хусусида конвенция белгилайдиган ҳуқуқ-тартибот барча давлатларга тааллуқлидир, зотан биронта ҳам давлат, шу жумладан АҚШ ҳам буни эътиборсиз қолдира олмайди ва қолдирмаслиги керак.

ЁШЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

ФАРҒОНА, 23 апрель. (ЎзТАГ). Меҳнат ресурсларидан тўлиқроқ ва оқилона фойдаланиш, ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг сафларига қўшилган ёшларни меҳнат, ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан чиниқтириш самарадорлигини ошириш масалалари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленумининг диққат марказида бўлди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

Пленумда қайд этилганидек, республика халқ хўжалигини ривожлантиришда ишчилар синфининг, қишлоқдаги малакали кадрларнинг роли муттасил ортиб бормоқда. Экономикани юксалтиришга бутун чоралар билан кўмаклашиш — ёшларнинг юксак бурчидир. Бу ҳол ҳунар-техника таълими системасининг аҳамиятини ҳам белгилаб беради, ҳунар-техника таълими системасидаги ўқувчиларга таълим бериш ва уларни тарбиялаш жараёнини яхшилашни, мактаб ўқувчиларини ишчи ва қишлоқ хўжалик мутахассислиги касбларига йўллашни такомиллаштиришни талаб этади. Ёшларга таълим беришни, деб таъкидлашди нотиқлар, йигит ва қизларни ғоявий эътиқод руҳида, ҳаётда актив позицияда туриш руҳида тарбиялаш билан чамбарчас боғлаб олиб бориш зарур.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров нутқ сўзладилар.

Қабул қилинган қарорда КПСС XXVI съезди ва ВЛКСМ XIX съезди қарорлари асосида ёшларни касбга тайёрлашни янада такомиллаштириш, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни, профессионал маҳоратини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Пленумда Ўзбекистоннинг чорвачилик фермалари ва комплексларига жўнаб кетаётган ёшлар «Чорвадор» республика йиғма отряди тантанали суратда кузатиб қўйилди.

ОЛДИНГИ МАРРАЛАРДА

Барча объектлар фақат муддатида ёки барвақт, фақат юксак сифатли қилиб топширилади! Мана, 50 йилдирки, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Узбекгидроэнерғострой» трестининг кўп минг кишилик машҳур коллективи ана шу шиор остида ишлаб келмоқда. 23 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Ўзбекистондаги энг йирик энергетика қурилиши ташкилотининг ярим асрлик юбилейига бағишланди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. А. Хўжаев трест коллективига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди. «Узбекгидроэнергострой» тресті республикада энергетика объектларини барпо этиш юзасидан партия ва ҳукумат қарорларини бажаришдаги катта муваффақиятлари, социалистик мусобақада юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги учун шу мукофотга сазовор бўлди.

Трест бошқарувчиси А. К. Эргашев «Узбекгидроэнергострой»нинг 50 йиллиги» мавзуида доклад қилди.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Лавлаги қазийдиган машиналар, минг дона	2,5	101
Пахта териш машиналари, минг дона	2,6	102
Экскаваторлар, минг дона	10,5	97
Иморатбоп ёғоч (колхозлар тайёрлаган ёғоч бу ҳисобга кирмайди), миллион тиғиз кубометр	99,8	99,9
Қоғоз, миллион тонна	1,4	107
Шундан газета қоғози, миллиард квадрат метр	7,5	103
Цемент, миллион тонна	31,2	109
Йиғма темир-бетон, миллион куб метр	30	104
Ҳамма турдаги газламалар, миллиард квадрат метр	2,9	104
Тикилган буюмлар, миллиард сўмлик	6,1	100,1
Ички ва устки трикотаж, миллион дона	415	101
Чарм пойабзал, миллион жуфт	193	102
Гўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан), миллион тонна	2,2	107
Колбасалар маҳсулоти минг тонна	788	102
Озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулоти, шу жумладан балиқ консервалари, миллиард сўмлик	1,4	113
Мол ёғи (давлат ресурслари хом ашёсидан), минг тонна	212	123
Сутга айлантириб ҳисобланганда, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари) давлат ресурслари хом ашёсидан), миллион тонна	6,5	107
Маргарин маҳсулотлари (давлат ресурслари хом ашёсидан) минг тонна	401	107
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари хом ашёсидан) минг тонна	732	107
Кондитерлик маҳсулотлари, миллион тонна	1,1	102
Консервалар, миллиард шартли банка	2,9	111
Шу жумладан, мева-сабзавот консервалари	1,7	115
Соатлар, миллион дона	17,7	103
Чинни-фаянс ва майолика идишлар, миллион сўмлик	220	105
Навли идишлар (шиша ва биллур), миллион сўмлик	356	101
Радио приёмник қурилмалари, миллион дона	2,3	108
Телевизорлар, миллион дона	2,1	105
Шу жумладан, рангли тасвирни қабул қилувчи телевизорлар	0,8	114
Холодильник ва музлатгичлар, миллион дона	1,5	100,9
Шу жумладан, камера сиғими 200 куб дециметр ва ундан кўп бўлган	0,7	106
Кир ювиш машиналари, миллион дона	1,0	107
Мотоцикл ва мотороллерлар, минг дона	285	100,8
Мебель, миллиард сўмлик	1,7	106

Нефть, газ, кўмир қазиб чиқариш, қора металлар тайёр прокати, пўлат қувурлар, автопокришкалар, темирчилик-пресслаш машиналари, автоматлаш ва ҳисоблаш техникаси приборлари воситалари, тепловозлар, электровозлар, газета қоғози, йиғма темир-бетон, минерал ўғит, тракторлар, қишлоқ хўжалиги учун бошқа техника ишлаб чиқариш плани бажарилди.

Металл маҳсулотларининг тежамли турларини, саноат роботлари, радио электрон аппаратлар, рақамли программа билан бошқариладиган ва «ишлов берувчи марказ» типидаги металл қирқувчи станоклар, техника-иқтисодий параметрлари анча юксак бўлган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан кўпайиб бормоқда.

Кўпчилик халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш, шу жумладан, ип газлама ва зиғир тола газлама тўқиш, озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулотлари, мол ёғи ва ўсимлик ёғи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, чинни-фаянс ва навли идиш, телевизор, радиоприёмник қурилмалари, кир ювиш машиналари, мебель тайёрлаш борасидаги мўлжалдаги ўсиш таъминланди.

Шу билан бирга Қора металлургия, Кўмир, Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати, Энергетика, Оғир ва транспорт машинасозлиги, Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрликларининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари тузилган шартномалар ва ижро этиш учун қабул қилинган нарядларга мувофиқ истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришни таъминлай олмадилар.

Синтетик смола ва пластмасса, химиявий тола ва ип, ўзгарувчан ток электр моторлари, иморатбоп ёғоч, трикотаж буюмлар, чарм пойабзал тайёрлаб чиқариш плани бажарилмади. Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари меҳнат унумдорлиги, таннарх, жамғарма юзасидан белгиланган планларни, илмий-техник программа топшириқларини бажара олмади.

Ишлаб турган корхоналар ва цехларни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш, ресурсларни тежайдиган прогрессив технологик жараёнларни жорий қилиш давом эттирилди. 700 хилдан кўп янги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва тайёрлаб чиқарила бошлади.

Саноат бирлашмалари ва корхоналарининг коллективлари ишлаб чиқаришни интенсивлаш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ва интизомни мустаҳкамлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини ошириш борасидаги ишларни бажармоқдалар.

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШ — УМУМХАЛҚ ИШ

АВИАСОЗЛАРНИНГ ҚИШЛОҚДАГИ ЦЕХИ

«Озиқ-овқат программасини бажариш — умумхалқ иши» мавзуида навбатдаги радио-матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасидан. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари мастер Лидия Ивановна САЗОНОВА ва слесарлар бригадаси бошлиғи Назрилла МАННОПОВ ўртоқлар журналистларнинг саволларига жавоб бердилар. Қуйида ана шу савол-жавоблар мазмунини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Дарҳақиқат, Озиқ-овқат программаси умумхалқ ишига айланиб кетди. Уни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларигина эмас, индустриямизнинг азамат коллективлари ҳам фаол қатнашяптилар. Икки йил аввал авиасозлар коллективи учун алоҳида ер ажратиб берилган эди. Авиасозлар Тошкент областидаги «Политотдел» ва «Ўзбекистон» колхозларига қарашли баҳорикор ҳамда яйлов ерлардан 625 гектарда деҳқончилик қилиб, чорвачилик билан шуғулланишга киришиб кетдилар.

Ўтган давр ичида анчагина ишлар қилинди. 1000 бош чорва сақланадиган бино қурилди. 120 молга мўлжалланган ёзги бостирма барпо этилди. Озуқа сақланадиган омборлар тикланди. Йўллар очилди. Насос станциялари ҳаракатга келтирилди. Чорвачилик билан шуғулланаётган кишилар учун ошхона ва магазин қуриб берилди.

Бугунги кунда ёрдамчи хўжаликда моллар сони 605, чўчқалар 425 бошга етказилди. Урчитиб кўпайтириш ҳисобига 59 бузоқ ва 269 қўзи олинди. Авиасозларнинг қишлоқ цехига айланиб қолган ёрдамчи хўжалик самаралар бера бошлаганлиги диққатга сазовордир. Ўтган йил кузида бирлашма ишчи-хизматчиларига қарийб 10 тонна гўшт келтириб сотилди. Корхонанинг болалар боғчалари ва касалхонаси ёрдамчи хўжаликда етиштирилган сут билан муттасил таъминлаб турилибди.

Ёрдамчи хўжаликнинг истиқболи янада порлоқ. Беш йиллик охирига бориб бу хўжаликда 200 сигир, 500 қўй, 3 минг бош чўчқа боқиладиган бўлади. Бундан ташқари 700 уя асалари ҳам боқилади. Ишлаб чиқилган тадбирларга мувофиқ ёрдамчи хўжалик 1985 йилга бориб 300 тонна гўшт, шунча сут, 14 тонна асал реализация қилади.

Бунга эришмоқ учун хўжаликни яна ҳам ривожлантиришга тўғри келади. Айниқса, озиқ базасини мустаҳкамлаш зарур. Ҳозирги кунда 160 гектар майдонда чорва моллар учун озуқа етиштирилаётган бўлса, улар тобора кенгайтириб борилади. Ёрдамчи хўжаликнинг озуқа тайёрловчилари 300 тонна беда, 300 тоннадан кўпроқ ўт пичани, 500 тонна силос, 1000 тоннадан зиёд илдизмевали озуқа маҳсулотлари етиштириб берадилар. Озуқа базасини мустаҳкамлаш йўли билан шу йилнинг ўзида 105 тонна гўшт, 100 тоннадан кўп сут, 10 тонна асал етиштириш чоралари кўриляпти.

Қишлоқдаги цехни кенгайтириш, уни ривожлантириб бориш корхонадаги ҳар бир ишчи ҳамда мутахассиснинг қизиқарли машғулотига айланиб бормоқда. Коммунистик меҳнат коллективи номини олган йиғув цехи азаматлари қорамоллар фермасини оталиққа олдилар.

Республика чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг ходимлари авиасозлар коллективига ёрдамчи хўжаликни ривожлантиришда яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Авиасозлар чорвачилик мутахассисллрининг маслаҳатлари ҳамда тавсияларига амал қилиб, чорва моллар боқиш ҳамда семиртиришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу эса корхона ёрдамчи хўжалигининг ёрқин истиқболларини кўрсатиб турибди.

Радио-матбуот конференцияси ҳақидаги эшиттиришни республика радиоси орқали бугун соат 17 дан 40 минут ўтганда тинглашингиз мумкин.

БУГУН — ЖАҲОН БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР КУНИ

ҲАМКОРЛИК РАМЗИ

Бугун жаҳондаги барча прогрессив жамоатчилик жаҳон Биродарлашган шаҳарлар кунини тантанали нишонламоқда. Дўстлик, ҳамкорлик рамзи бўлган бу байрам бундан 20 йил муқаддам Умумжаҳон биродарлашган шаҳарлар федерацияси томонидан белгиланган эди. Ҳозирги кунда бу халқаро ташкилотга 60 мамлакатнинг 3 мингдан ортиқ шаҳарлари аъзодир. Биродарлашган шаҳарлар куни арафасида мухбиримиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳосият Ёқубжоновадан Тошкентнинг биродарлашган шаҳарлар билан ҳамкорлик ва дўстлик алоқалари ҳақида сўзлаб беришни сўради.

— Тошкент—Биродарлашган шаҳарлар федерациясининг Совет Иттифоқидаги аъзоларидандир. Африка қитъасидаги Тунис, Марокаш, Триполи, Америкадаги Сиэтл, Югославиядаги Скопле, Шри Ланкадаги Патиала, Покистондаги Карачи Тошкент билан биродарлик алоқалари ўрнатган шаҳарлардир.

1961 йилдан буён федерациянинг актив аъзоларидан бўлган Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари байрам муносабати билан Умумжаҳон биродарлашган шаҳарлар федерациясига, унга аъзо бўлган шаҳарлар ва уларнинг меҳнаткашларига табрик йўллади.

Кейинги вақтда биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорликнинг янги-янги шакллари вужудга келди. Илгари ўзаро алоқалар шаҳар муниципалитетлари делегацияларини алмашишдан иборат эди. Ҳозир эса делегациялар составига экономиканинг турли соҳасида меҳнат қилаётган мутахассислар, шаҳар хизмати ходимлари, маданият арбоблари ҳам киритилмоқда. Бу эса ўз касблари чегарасида тажриба алмашиш, ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шаҳарлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон матбуоти, радио ва телевидениеси биродарлашган шаҳарлардан Тошкентга келган меҳмонлар ҳақида мунтазам материаллар бермоқда. Шаҳар Совети ижрокоми совет кишиларининг ҳаёти, халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида республикамиз ва унинг пойтахти эришаётган ютуқлар ҳақида, Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик тўғрисида ҳикоя қилувчи фотокўргазмалар, ҳужжатли фильмлар ва адабиётлар юбормоқда. Шу кунларда шаҳар Совети ижроия комитети Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган «Биродарлашган шаҳарлар ҳаёти» деган шаҳар ахборот стендига материаллар тайёрламоқда.

Республикамиз пойтахтига ҳар йили минглаб чет элликлар келмоқда. Меҳмонларни шаҳримиз ҳаёти, маҳаллий Советлар фаолияти қизиқтиради. Ўтган йили Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида жаҳондаги 16 мамлакатдан келган 1092 та чет эл граждани қабул қилинди. Шунингдек, АҚШ миллий шаҳарлар делегацияси, болгариялик архитекторлар, Жанубий Яман журналистлари, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси VII халқаро кинофестивали иштирокчилари қабул қилиндилар. Суҳбат чоғида шаҳар ҳаёти масалаларидан ташқари СССР ташқи сиёсати, мамлакатимизда миллий масаланинг ҳал этилиши, социалистик қурилиш соҳасида Ўзбекистон эришган муваффақиятлар ҳақида ҳам гап борди.

Тошкент олий ўқув юртларида турли чет мамлакатлардан келган студентлар таълим олмоқдалар. Шаҳар Совети чет эллик студентларни қизиқтирадиган темаларда лекция ва суҳбатлар ташкил этмоқда.

Ҳозирги кунда тинчликни сақлаб қолиш, қуролланиш пойгасига чек қўйиш, термоядро уруши хавфини тугатиш учун кураш, жаҳондаги энг актуал, ҳаётий вазифадир. Биродарлашган шаҳарлар жаҳон халқлари олдидаги ана шу вазифани бажаришга ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Халқлар ўртасида дўстлик, қардошлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришни шиор қилиб олган Федерацияга аъзо бўлган шаҳарлар бу муқаддас ишдан четда тура олмайдилар.

Ҳозирги вақтда Англия, ГФР, Италия, Франция, АҚШ, Греция, Япония ва бошқа капиталистик мамлакатларда қуролланиш пойгасини кучайтиришга қарши меҳнаткаш омманинг норозилик ҳаракати тобора авж олиб бормоқда. Бу ҳаракат жаҳонда тинчликни сақлаб қолиш, ракета-ядро уруши хавфининг олдини олиш каби олижаноб мақсадни кўзда тутади. Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳри меҳнаткашлари тинчлик учун курашчилар билан бирдамликларини изҳор этмоқдалар.

Яқинда Тошкент шаҳрида АҚШдаги Биродарлашган шаҳар Сиэтлнинг делегацияси меҳмон бўлди. Бу шаҳарнинг илғор жамоатчилик арбоблари «Таргит Сиэтл» комитетини тузганлар. Бу комитет ядро урушининг олдини олиш учун актив кураш олиб бормоқда. Тарих ўқитувчиси жаноб Элдон Белл бошчилик қилаётган бу комитет аъзолари «Совет халқига мурожаат» шиори остида тинчликни ҳимоя қилиш учун чақириққа имзо тўплаш ҳафталиги ўтказдилар. Бу чақириққа Сиэтл шаҳри ва унга яқин ерда яшовчилардан 42 минг киши имзо чекди.

Марокашнинг Касабланка шаҳрида ўтган йилнинг ноябрь ойида биродарлашган шаҳарлар X умумжаҳон конгресси бўлиб ўтган эди. Бу конгрессда жаҳон шаҳарлари аҳолисига мурожаат қабул қилинди. Конгресс бу йилги Биродарлашган шаҳарлар кунини халқаро можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун, қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, тинчликни мустаҳкамлаш учун оммавий намойишлар кунига айлантиришга даъват этди. Федерация Биродарлашган шаҳарлар кунини «Шаҳар ва тинчлик» шиори остида нишонлашга чақирди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлашга ўз улушини қўшиб келмоқда. Тошкент биродарлашган шаҳарлар ҳаракатида актив иштирок этиш билан дунёда тинчликни сақлаб қолиш учун, уруш оловини ёқувчиларга қарши курашда федерацияга аъзо бўлган бошқа шаҳарларга намуна кўрсатмоқда.

Биз бугунги байрам — Биродарлашган шаҳарлар куни муносабати билан бутун тараққийпарвар кучларни ядро ҳалокатининг олдини олиш учун, ёрқин келажак учун курашга бирлашишга чақирамиз.

КЎПСТАНОКЧИЛАР МАРРАСИ

Намангандаги аврли газламалар комбинатининг тўқувчиси Ў. Холмирзаев майолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, келгуси йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда. Илғор тўқувчи ўн биринчи беш йилликнинг бошидан то шу кунгача 36 минг метр хонатлас тайёрлаб берди.

Ҳозирги кунда корхонада хизмат қилиш зонасини кенгайтирган кўплаб тўқимачилар социалистик мусобақада ҳар доим илгарилаб боришяпти. Уларнинг ҳар бири планда белгиланганидан анча кўп дастгоҳни дадил бошқармоқдалар. Шу туфайли бир гуруҳ ишчилар ҳозирдаёқ ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажарганликлари тўғрисида рапорт топширдилар, 500 дан ортиқ киши 1984—1985 йиллар ҳисобига маҳсулот етказиб бермоқдалар.

«Тошкент» тепловоз депосида ёнилғини иқтисод қилиш юзасидан социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Бу ерда ҳар бир бригада учун шахсий ҳисоб очилган. Ҳар ойнинг охирида мусобақа якуни чиқарилиб, бу соҳада эришилган ютуқлар ёш машинистлар билан ўртоқлашилади. Меҳнатни ташкил этишдаги бу усул яхши натижалар бермоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида депо бўйича 2800 тонна шартли ёнилғи тежаб қолинди. Суратда: (чапдан) илғор машинист Абдуқодир Сатторов машинист ёрдамчиси Комил Нигматуллин, машинист-инструктор Ҳамид Поччаев билан навбатдаги иш хусусида суҳбатлашмоқда.

А. Жданов фотоси.

ДРАМАТУРГИЯНИНГ КЕНГ УФҚЛАРИ

Юксак партиявий талабларга, ҳозирги замон китобхонлари ва тамошабинларининг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларига жавоб берадиган асарлар яратиш учун куч-ғайратларни сафарбар этишни адабиёт ва театр санъати арбоблари ўзларининг асосий вазифаси, деб биладилар. Москва, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон драматургларининг 23 апрель куни Тошкентда ўз ишини тамомлаган ижодий конференцияси қатнашчилари шуни таъкидлаб ўтдилар. Улар совет адабиёти проблемаларини, СССР халқлари кўпмиллатли драматургиясининг ўзаро таъсири ва бир-бирини ўзаро бойитиши масалаларини муҳокама қилдилар.

Якунловчи мажлисда сўзга чиққан москвалик ёзувчилар С. И. Злотников, Э. Б. Бобров, О. А. Кучкина, театршунос, «Советская культура» газетасининг бўлим мудири В. А. Широкий, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Ҳ. Ғулом, театршунос, Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Султонов драматургларнинг ижодий изланиши КПСС XXVI съездининг улуғвор режаларини амалга ошираётган, планетада тинчликни ҳимоя қилаётган ССР Иттифоқи халқларининг ажойиб ғалабаларидан ажралмасдир, деб айтдилар. Замонамиз қаҳрамонлари тўғрисидаги ёрқин бадиий ҳикоя, асосий қаҳрамони янги коммунистик жамият қурувчиси бўлган пьесалар, сценарийлар устида иш олиб бориш — ҳозирги вақтда сўз усталари, ёш авторлар ҳал этаётган фахрли ва масъулиятли вазифадир. Театр постановкалари хусусидаги проблемалар тўғрисида, таржимонлар фаолияти ҳақида, ёшлар билан ишлаш ҳақида ҳам фикрлашиб олинди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, драматург А. Д. Салинский конференцияга якун ясади. У ёзувчиларнинг бу галги Ўзбекистондаги ижодий кенгаши сермазмун ва воқеаларга бой бўлганлигини айтди. Бу ижодий учрашув, шубҳасиз, унинг ҳар бир қатнашчисининг бундан буёнги фаолиятида из қолдириб, сюжет, мавзу ва қаҳрамонларни излашда кўмаклашади. Тошкентда кенг кўламда фикрлашиб олинганлиги, республика меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган суҳбатлар адибларни одамларни коммунизм ва интернационализмнинг нурафшон идеалларига садоқат руҳида тарбияловчи янги, ёрқин асарлар яратишга илҳомлантирди.

(ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

ХЕЛЬСИНКИ. Жаҳон Тинчлик Кенгаши ҳукуматлар, сиёсий партияларга, жамоат ташкилотларига, барча эзгу ниятли кишиларга мурожаат қилиб, уларни 1983 йилнинг май ойида ядро урушининг олдини олиш учун ҳаракат ойлигини ўтказишга чақирди. Ядровий ҳалокатнинг хавфи, деб таъкидланади Жаҳон Тинчлик Кенгашининг тарқатилган мурожаатномасида, ҳозир ҳар қачонгидан кўра ҳам каттадир. АҚШ маъмурияти 1983 йилнинг охирида Ғарбий Европадаги бир қанча территорияларда «Першинг-2» ва қанотли ракеталарни жойлаштиришга оид НАТО қарорларини амалга оширишга ҳар қандай йўллар билан уринмоқда. Қуролланиш пойгасининг мисли сиз кучайиб кетишига сабаб бўладиган ана шу хатарли режалар. амалга оширилишигача ярим йилдан сал кўпроқ вақт қолди.

СССР билан АҚШ ўртасида Женевада давом этаётган музокаралар, деб уқтириб ўтилади ҳужжатда, боши берк кўчага кириб қолди. Чунки Америка маъмурияти бу музокаралардан ҳарбий устунликка эришиш мақсадида қурол-яроғларни янада кўпайтириш учун ниқоб сифатидагина фойдаланмоқда. (ТАСС).

Г. КОЛНИНГ ВИЗИТИ

ЛОНДОН. ГФР канцлери Г. Коль ҳукуматнинг етакчи министрлари ҳамроҳликларида бу ерга келди.

Ғарбий Германия раҳбарлари бош министр М. Тэтчер ҳамда Британия кабинетининг бошқа аъзолари билан икки кун музокаралар олиб борадилар. Лондонлик шарҳловчиларнинг таъкидлаб ўтишларича, ана шу учрашувлар давомида АҚШ ва НАТОнинг Европа территориясида Американинг ядровий қанотли ракеталарини ва «Першинг-2» ракеталарини жойлаштириш ҳақидаги қарорлари асосида Европада ядровий қуролланиш масалалари муҳокама этилади. (ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

МЕҲНАТКАШЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

СОФИЯ. Оқ халатлиларнинг 200 минг кишилик отряди — турли ихтисосдаги врачлар, медицина ҳамширалари, фармацевтлар Болгария меҳнаткашлари саломатлигини муҳофаза қилиб турибдилар. Болгария соғлиқни сақлаш соҳасидаги кўпгина кўрсаткичлар юзасидан жаҳонда олдинги марраларга чиқиб олди. Кейинги йилларда республикада умр узайди, мамлакатда болалар ўртасида ўлим ғоят камайди.

Республика шаҳарлари ва қишлоқларининг аҳолисига берилаётган амбулатория ёрдами анча яхшиланди, кўчма стоматология ва рентген кабинетларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу кабинетлар кичик корхоналарнинг ишчиларини ва аграр-саноат комплекслари кооператорларини текшириб чиқиш учун, айниқса қулайдир. Меҳнаткашларни оммавий профилактика кўригидан ўтказиш тадбирлари кенгайди, маданий хизмат даражаси оширилди.

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР БУЮРТМАСИ БИЛАН

ПРАГА. Чехословакиянинг Бланцко шаҳридаги ўлчов аппаратлари заводи коллективи Совет Иттифоқига маҳсулот етказиб бериш йиллик планини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилди. ЧССРда ўлчов аппаратлари ишлаб чиқарадиган ягона корхона маҳсулотларини социалистик мамлакатларда яхши билишади. Электр ўлчов асбоблари, ёзадиган қурилмалар, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш воситалари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш тўғрисидаги шартномалар асосида тайёрлаб чиқарилмоқда.

Корхона ишлаб чиқариш программасидаги янгиликлар орасида лазер ўлчов техникаси ҳам бор. Бу маҳсулот учун Совет Иттифоқидан катта буюртма олинди.

УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛМАДИ

АФИНА. Греция территориясидаги Америка ҳарбий базаларининг келажаги тўғрисидаги масала юзасидан бу ерда олиб борилаётган музокараларнинг навбатдаги доирасида Греция билан АҚШ делегацияларининг бу сафарги учрашуви ўтказилмади. АНА агентлигининг хабар қилишича, Греция ҳукуматининг вакили учрашувнинг барбод бўлиши сабабини айтишдан бош тортди. Бироқ, у ҳозирги вақтда музокараларни қайта бошлаш аниқ вақтини айтиш қийин, деди.

Маҳаллий шарҳловчиларнинг таъкидлашларича, ўтган йилнинг октябрь ойида бошланган музокараларда муҳокама этилаётган бирорта масала юзасидан силжишга ҳамон эришилмаган. Музокараларни ўтказишдан мақсад Греция территориясидаги Америка тўртта энг катта базасининг бўлажак статуси тўғрисида янги битимни ишлаб чиқишдан иборатдир. АҚШ бу базалардан 1953 йилги Греция — Америка битимидан 6 йил ўтганидан кейин вақтинча фойдаланаётган эди.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК УЧУН

● УЛАН-БАТОР. 26—28 апрель кунлари «Осиёда ва Тинч океан районида тинчлик ҳамда хавфсизлик учун» мавзуида Улан-Баторда ўтказиладиган маҳаллий халқаро конференция Осиё қитъаси халқларининг кескинликни юмшатиш, ядро фалокати олдини олиш учун курашини кучайтириш масалаларига бағишланади. Бугун бу ерда монгол ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференциясида шу ҳақда эълон қилинди.

Жаҳон тинчлик кенгаши ташаббуси билан тинчликни ҳимоя қилиш Монголия комитети билан биргаликда ўтказиладиган бу конференция ишида 30 га яқин давлат, шунингдек бир қанча халқаро ташкилотларнинг намояндалари қатнашадилар.

ДЕҲЛИДА СЕМИНАР

● ДЕҲЛИ. Бу ерда Жанубий Осиё мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга бағишланган маҳаллий семинар бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари — Ҳиндистон, Бангладеш, Шри Ланка, Непал ва бошқа давлатларнинг намояндалари молия, савдо-сотиқ соҳасидаги алоқаларни, илмий-техникавий ахборотни айирбошлашни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Улар ўз иқтисодий қийинчиликлари оғир юкини собиқ мустамлакалар ва ярим мустамлакалар зиммасига ағдаришга интилаётган ғарб мамлакатлари тобора кенг кўламда ўтказаётган ғаразгўйлик сиёсати туфайли ёш давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

ОППОЗИЦИЯЧИ ПАРТИЯНИНГ СЪЕЗДИ

● ОСЛО. Бу ерда Норвегиядаги энг йирик оппозициячи партия — Норвегия ишчи партиясининг навбатдаги съезди очилди. 300 дан кўпроқ делегат уч кун давомида Норвегия ишчи партиясининг ҳисобот давридаги фаолиятини якунлайдилар, мамлакатдаги ички сиёсий аҳволни, ҳозирги халқаро аҳволнинг актуал проблемаларини, ташкилий масалаларни муҳокама қиладилар, партиянинг раҳбар органларини сайлайдилар.

ҲАҚҚОНИЙ ТАЛАБ

● НИКОСИЯ. Кипр вакиллар палатаси (парламенти) қуролсизланиш, аввало ядро қуролсизланиши соҳасида сира кечиктирилмайдиган конкрет тадбирлар қабул қилинишини ёқлаб чиқди.

Вакиллар палатаси жаҳондаги парламентларга ва ҳукуматларга қаратилган мурожаатида стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш ҳамда Европада ядро қуролларини чеклаш ҳақида Совет — Америка музокараларини бошлаб юбориш, шунингдек тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципи асосида шу музокараларни муваффақиятли тугаллаш бутун инсоният учун алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайди.

(ТАСС, 23 апрель).

ИСПАНИЯ—АМЕРИКА БИТИМИ

МАДРИД. (ТАСС). Испания парламенти депутатлар конгресси мамлакатнинг аввалги ҳукумати ўтган йилнинг июлида имзолаган дўстлик, мудофаа ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Испания — Америка битимини кўпчилик овоз билан тасдиқлади. Битим жумладан, мамлакат территориясидаги АҚШнинг 4 ҳарбий базаси тўғрисидаги масалани тартибга солади. Бу базаларда Американинг 10 мингдан кўп ҳарбий хизматчиси бор.

Мамлакатдаги АҚШнинг ҳарбий базалари испанияликларнинг қатъий норозиликларига сабаб бўлмоқда. Яқинда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Торрехон-де-Ардос ва Сарагосдаги базалари яқинида ўн минглаб кишилар намойишлар ўтказиб, шу базалар тугатилсин, деб талаб қилдилар.

Ташқи ишлар министри Фернандо Моран битимни депутатлар конгрессига тақдим этиб, Испанияда ядро қуроли жойлаштирилмайди, деб таъкидлади.

Ранг-баранг олам

ТЕННИС ЮБИЛЕЙИ

Британия Ҳамкорлиги мамлакатларидаги катта теннис ҳаваскорлари ана шу спорт турининг 110 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирланмоқдалар. «Острэлейшн пост» журналининг ёзишича, истеъфодаги армия майори У. Уингфелд Англияда 1874 йилнинг февралида ана шу ўйинга патент олган.

СОЯДАН ЁНИЛҒИ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида моторлари соя ёғидан тайёрланган ёнилғида ишловчи юк автомобилларининг синови муваффақиятли ўтди, деб хабар беради Рейтер агентлиги. 4 та 13 тонналик юк машинасининг 120 километрлик масофага автопойгаси ўтказилган.

ИЛҒОР ТАЖРИБА — ОММАГА

ПАХТА ДАЛАСИДА КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТ

Ўзбекистон тажрибаси коллектив пудрат формаси меҳнат, ер, сув ва бошқа материал-техника ресурсларидан самарали фойдаланишда, алмашлаб экишни тўла ўзлаштиришда, деҳқончиликнинг бутун маданиятини оширишда, хўжаликни юритишда, юксак пировард натижаларга эришишда энг кўп ёрдам беришини тасдиқламоқда. Ўтган йили Ўзбекистон ССРда 18.735 бригада ёки барча бригадаларнинг 42 проценти, Сурхондарё областида эса пахтачилик бригадаларининг 80 проценти коллектив пудрат асосида ишлади. Ана шу бригадаларда ҳосилдорлик оддий усулда ишлаган бригадалардагига нисбатан юқори, пахта етиштириш ҳар бир киши-куни ҳисобига 14,5 процент ортиқ бўлди. Ҳар бир ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақи бошқа бригадалардагига қараганда 32 процент кўпроқни ташкил этди. Айни вақтда бир центнер маҳсулот етиштиришга мўлжалланган иш ҳақи фондининг 18 проценти тежаб қолинди. Бу ерда коллектив пудратни жорий этиш айни бир вақтда йириклашган алмашлаб экиш участкаларини вужудга келтириш билан қўшиб олиб борилмоқда.

Бу саҳифада коллектив пудратни жорий этган Сурхондарё область Ленин йўли райони хўжаликларининг тажрибаси ҳақида ҳикоя қилинади.



Сурхондарё областидаги «Пограничник» совхозида Шукуровларнинг оилавий звеноси илғор коллективлардан ҳисобланади. Оиладаги беш ака-ука — Чори, Панжи, Нортожи, Жума ва Эргаш Шукуровлар ҳар куни дала ишлари нормасини ошириб бажармоқдалар. Звенога Ўзбекисгон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Панжи Шукуров (чапдан иккинчи) раҳбарлик қилмоқда.

Э. Хўжаев фотоси (ТАСС).

АЛМАШЛАБ ЭКИШ УЧАСТКАСИ ДОИРАСИДА

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРГАЧА бизнинг хўжаликларимизда алмашлаб экиш катта қийинчиликлар билан ўзлаштириларди. Битта массивда бир неча бригаданинг далалари жойлашган эди. Иш алмашлаб экиш схемасини бажаришга бориб етганида кўп ҳолларда бригадалар ўз далаларига ўтмишдош экинларни жойлаштиришдан бош тортишарди. Озуқа экинларини етиштирганда даромаднинг кескин камайиб кетиши ва одамларнинг тўла банд бўлмаслиги мумкинлигини баҳона қилиб кўрсатишарди.

Бўлимларнинг бошқарувчилари ҳам алмашлаб экишнинг ўзлаштирилиши учун жавоб беришмасди. Бунинг устига кўпчилик бўлимларнинг чегараси алмашлаб экиш массивларининг чегарасига тўғри келмасди. Бўлимларнинг бошқарувчилари бригадаларнинг алмашлаб экиш схемасига биноан олға томон боришининг тарафдори эмасдилар: ортиқча ташвишга тоблари йўқ эди.

Алмашлаб экиш участкалари бутун ишнинг диққат марказига қўйилганидан кейин аҳвол ўзгарди, бу участкаларга 300—500 гектар ер, техниканинг тўла туркуми ва бошқа материал ресурслар биркитиб қўйилди. 1981 ва 1982 йилларда бундай бўлинмалар тажриба тариқасида тахминан хўжаликларнинг ярмида вужудга келтирилди. Эндиликда улар ҳамма жойда ташкил этилган. Ҳозир бизнинг районимизда 48 та ана шундай участка бор.

Алмашлаб экиш участкалари ташкил этилиши билан экинларни алмаштириш, алмашлаб экиш схемасини қатъият билан амалга ошириш ва ҳар бир даланинг маҳсулдорлигини ошириш учун кенг имконият вужудга келди.

Мисол учун, икки хўжалик: ўтган йили алмашлаб экиш участкалари иш бошлаган Будённий номли совхознинг ва илгариги усул билан ишлаган Қ. Раҳимов номли совхознинг эришган натижаларини таққослаб кўрсатамиз. Иккинчи хўжаликда дирекциянинг ҳисоботи бўйича ўтган йилги мавсумда алмашлаб экиш 81 процент ўзлаштирилган. Амалда эса бундан анча оз. Топширилган ишнинг бажарилиши учун талаб сусайтирилган бригадаларнинг тахминан ярми совхоздаги ўртача кўрсаткичдан кам ҳосил олди, маҳсулотнинг таннархи пландагига нисбатан 8 процент ошиқ бўлди. Қўшни Будённий номли совхозда эса алмашлаб экишни жорий этиш амалда шу беш йилликнинг дастлабки икки йилида тугалланган. Бу ерда пахта экилган ерларнинг ҳар бир гектаридан олинган ҳосил етти процент, ҳар бир гектар ер ҳисобига олинган даромад 1.000 сўм зиёд бўлди. Айни вақтда бир центнер пахтанинг таннархи райондаги ўртача кўрсаткичга нисбатан беш процент арзонлашди.

Алмашлаб экиш участкалари доирасида меҳнат коллективлари қандай қилиб юксакроқ самарадорликка эришдилар? Бу асосий саволга ушбу мақоланинг муаллифларидан бири бўлган Ленин номли совхоздаги Парда Абдужалилов раҳбарлик қилаётган коллективнинг тажрибаси яхши жавоб бўлади. Бригада меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси асосида ишлашга ўтгунгача у ҳозир деҳқончилик қилаётган ерларда жойлашган эди. Бу ерларни хўжаликда кам унумли ерлар деб ҳисоблашарди. Бригадалар участка доирасида бирлаштирилгач, алмашлаб экиш схемасини амалга ошириш, ҳар бир агротехника жараёни учун талабни кучайтириш имконияти вужудга келди. Ҳар бир гектар ерга 20—25 тоннадан гўнг чиқариб солинди. Техникадан фойдаланиш яхшиланди. Қўл меҳнати сарфи камайди. Кейинги икки йилда меҳнат унумдорлиги 34 процент ошди.

Биркитилган алмашлаб экиш чегараларида куч ва маблағларни бирлаштириш ҳосилни йиғиб-териб олишга четдан ишчи кучи жалб қилишдан воз кечиш имконини берди. Коллектив ҳар бир аъзосининг ишлаб чиқаришдаги иштироки кучайди, кўпчилик кишилар турдош ихтисосларни ўзлаштириб олишди, бригадалараро ўзаро ёрдам кучайди. Абдужалиловнинг алмашлаб экиш участкасига кирган ўша бригадаси 1980 йилдагига нисбатан 481 тонна кўп пахта, 45 тонна кўп беда пичани, 31 тонна кўп маккажўхори дони етиштирди. Участка коллективи ҳаммаси бўлиб икки йилда ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини пахтачиликда 13,2 центнер, бедачиликда 9 ва маккажўхоричиликда 13,4 центнер оширди.

Меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг янги формаси умуман район миқёсида ҳам салмоқли натижа берди. Ўтган йили 1981 йилдагига нисбатан механизациялашган ишлар ҳажми 11 процент ошди, шартли эталон гектарга ишлов бериш таннархи камайиб, 6,7 сўмдан 5,1 сўмга келди. Ёнилғи-мойлаш материаллари сарфи тўққиз процент камайди. Маҳсулот таннархи структурасида меҳнат ҳақи сарфи етти процент камайди. Бир йилда умуман район бўйича пахта етиштириш 15 минг тонна, барча турдаги дон 5 минг тонна кўпайди. Сабзавот-полиз, мева, узумнинг ялпи ҳосили ўсди, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Деҳқончилик маҳсулотининг умумий таннархи 1,4 миллион сўм камайди. Таққослаш учун ҳар йили бизнинг совхозларимиз янги техника сотиб олишга тахминан шунча маблағ сарфлаётганликларини айтиш мумкин.

Натижада хўжаликларнинг йиллик даромади 53,6 миллион сўм кўпайди. Суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектари ҳисобига 5 минг сўмликдан зиёд маҳсулот етиштирилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг рентабеллиги 66 процентни ташкил этди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи ошиб, 1981 йилдаги 193 сўмдан 250 сўмга етди. Механизаторнинг ойлик иш ҳақи 1981 йилдаги 233 сўм ўрнига бултур 306 сўмни ташкил этди.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ОЗУҚА

КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТ асосида ишлаётган алмашлаб экиш участкалари ва бригадаларнинг таърифига батафсилроқ тўхталайлик.

Кўпчилик участкалар ўн далали алмашлаб экиш схемасини қабул қилган: далалардан биттаси маккажўхорига, иккитаси бедага ва еттитаси пахтага ажратилган. Озуқа экинлари ер майдонининг ўрта ҳисобда 25—27 процентини эгаллайди. Чорвачилик ривожланиб бораётганлиги муносабати билан озуқа экинлари майдони пахтанинг ялпи ҳосили камайтирилмаган ҳолда бир мунча кенгайтирилмоқда.

Алмашлаб экиш участкаларининг вужудга келтирилиши озуқа экинлари етиштириладиган ерлардан яхшироқ фойдаланиш учун янги имкониятлар очиб берди. Бригадаларнинг кичик даласида эмас, балки йирик массивларда беда бошоқли экинларга аралаштирилиб, маккажўхори — илдиз мевали экинларга аралаштирилиб экилмоқда. Перко, рапс, тритикале, йирик баргли сули, жавдарни аралаш оралиқ экин сифатида экиш кенг тус олди. Ўтган йили кузда «СССР 50 йиллиги» совхозининг учта алмашлаб экиш участкасида 130 гектар майдонга оралиқ озуқа экинлари экилди. Бу йил март ойининг охирида улар ҳар гектар ердан 350 центнердан кўк озуқа ўриб олишди ва ундан чорва молларга едириш, сенаж ва ўт талқони тайёрлаш учун фойдаланишди.

«СССР 50 йиллиги» совхозининг ана шундай бўлинмаларидан бирининг бошлиғи дипломли қишлоқ хўжалик мутахассиси Рўзи Султонқулов ҳар бир участкада ҳар йили худди ана шундай оралиқ (қишки) озуқа экинлари ҳосили етиштириш ва уни ўриб олгандан кейин бўшаган майдонларга дон учун маккажўхори, зарур бўлганда эса пахта экиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Район хўжаликларининг алмашлаб экиш участкалари бу йил қишда 700 гектар майдонда аралаш озуқа экинлари етиштирдилар. Қўшимча равишда 30 минг тоннага яқин кўк озуқа олинди. Бу йил коллектив пудрат асосида ишловчи барча участкалар ҳар гектар ерда 12 минг озуқа бирлиги берадиган ўтмишдош экинлар ўстиришни ёки озуқа экинлари ҳосилдорлигини ўттиз процент оширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу районга 1983 йили чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни 18—20 процент кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятни бажариш имкониятини беради.

Алмашлаб экиш участкаси бригаданинг бутун техникасини ягона қўлда марказлаштиради. Бу ерда техника қаровини амалга ошириш, машиналар, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғини сақлашни таъминлаш осонроқ. Паркнинг қуввати машиналар комплектининг ишлаб чиқариш имкониятларига боғлиқ. Бизнинг шароитимизда битта чопиқ трактори ўрта ҳисобда 80 гектар суғориладиган ерга ишлов бериш қобилиятига эга. Қ. Раҳимов номли совхознинг бешинчи участкасига етти комплект машина биркитиб қўйилган. Ҳар бир комплектга икки экипаж хизмат қилади. Барча ишловчиларнинг тўртдан бир қисми механизаторлардир. Участкада техника учун механик жавоб беради. Зарур бўлганда машиналар бир ёки бир неча далада марказлаштирилади.

ШАРТНОМА АСОСИДА

БРИГАДАЛАР коллективларининг куч-ғайратини бирлаштириш, техника ва бошқа материал ресурслардан самарали фойдаланиш алмашаб экиш участкаларида меҳнатни юксак даражада моддий рағбатлантиришни таъминлади. Ўша «СССР 50 йиллиги» совхозида бешинчи алмашлаб экиш участкасидаги агроном Р. Тожиев бошлиқ озуқа етиштирувчи бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 296 центнердан беда пичани, 6 центнердан беда уруғи, 60 центнердан ғалла олди. Бригадирга, механизаторларга ва бошқа ишчиларга иш ҳақи миқдори участка совети томонидан ҳар бир кишининг меҳнатдаги иштирокига қараб белгиланади.

Участка энг муҳим озиқ-овқат вазифасини ҳал қилувчи озуқа тайёрловчиларни алоҳида рағбатлантиришга атайлаб қарор қилди.

Совхоз дирекцияси алмашлаб экиш участкалари билан коллектив пудрат учун шартнома тузади. Унга хўжалик раҳбари, участка бошлиғи ва шу участкадаги бригадирлар имзо чекишади. Бу асосий ҳужжатда ингичка толали ва ўрта толали пахта, шунингдек, бошқа маҳсулотлар етиштириш топшириғи, унинг сифати ҳамда турлари, миқдори ва давлатга сотиш муддатлари белгиланади. Иш ҳақи фонди кўрсатилади. Совхоз дирекциясининг участкани техника, эҳтиёт қисмлар, транспорт воситалари, уруғликлар, ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш соҳасидаги мажбуриятлари изоҳланади. Бериладиган аванснинг суммаси, пировард маҳсулот учун ҳақ, ўз социал программасини амалга ошириш учун участкада қолдирииладиган фойданинг улуши кўрсатилади.

Шартномалар томонларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро мажбуриятини тартибга солиб боради. Улар икки томонлама моддий санкцияга эга бўлиши мумкин. Изоҳланган мажбуриятларга риоя қилинмаган тақдирда РАПО совети совхоз маъмурияти ва алмашлаб экиш участкалари раҳбарлари фаолиятини назорат қилиш учун шартнома ҳужжатидан фойдаланади.

Яқинда Ленин номли совхоз дирекцияси тўққизинчи алмашлаб экиш участкаси билан пудрат шартномаси тузмаганлиги аниқланди. Бу план ва меҳнат интизомини бузишга олиб келди, одамларнинг активлиги ва масъулиятини сусайтирди. Жиддий камчилик барча хўжаликларнинг раҳбарлари иштирокида район партия комитетида муҳокама қилинди. Бошқа айрим совхозларда ҳам шундай фактлар юз берганлиги маълум бўлди. Район партия комитети буни қаттиқ қоралади. Шартномалар тузиш барча совхозларда март ойида тугалланди. Алмашлаб экиш участкалари ҳам ўз составига кирувчи бригадалар билан шартномалар туздилар.

БРИГАДА ВА УЧАСТКАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

УЧАСТКА СОСТАВИДАГИ бригадалар ноишлабчиқариш вазифаларидан, дирекцияга ҳар куни қатнаб вақтни йўқотиш ва у ердан турли хил ресурсларни «ундириш» ташвишидан озод қилинганлар. Эндиликда коллектив пудратда банд бўлган бригада раҳбари ер, сув, ўғитлар, техника, ҳосилни ҳимоя қилиш воситаларидан юксак самара билан фойдаланишга ўзининг бутун эътиборини қаратади. Техника биркитиб қўйилган механизаторлар бригадалар составига киради. Бу ишнинг муваффақиятини гарантиялайди.

Бригадалардаги юксак активлик ва интизомнинг мустаҳкамланганлиги хўжаликларга ерни тайёрлаш ва эртанги экинларни ўз вақтида муваффақиятли экиб олишда ёрдам берди. Беда, илдиз мевали экинлар, эртанги ғалла, маккажўхори, сабзавот, картошка қулай муддатларда экилди. Апрель ойининг биринчи ўн кунлигида, яъни энг яхши муддатларда пахта далаларида экиш ишлари тугалланди. Район хўжаликлари бу йил давлатга 70 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олдилар. Бу ўтган йилги натижадан сезиларли даражада кўп бўлиб, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 43 центнерни ташкил этади.

Район ингичка толали навларни етиштиришга тобора кўпроқ ихтисослашмоқда. Бу йил пахта майдонининг 80 процентига ингичка толали ғўза навининг чигити экилди. Ўтган йили кузда район хўжаликлари ингичка толали пахтанинг ҳаммасини олий навлар — биринчи ва иккинчи типлар билан топширдилар. Бундай толанинг бир тоннасидан саноат ўрта толали пахта навининг бир тоннасига нисбатан икки баравар кўп газлама ишлаб чиқаради, пахтани етиштирувчилар эса икки баравар кўп даромад оладилар.

Алмашлаб экиш участкалари коллектив пудратнинг афзалликларидан фойдаланиб, бригадаларнинг далаларида биринчи типли тола навларини етиштиришни кенгайтиришга интилмоқдалар. Уларни фақат моддий қизиқишгина эмас, балки халқ истеъмоли товарлари сифатини яхшилаш юзасидан партия томонидан қўйилган вазифаларнинг моҳиятини тушуниш ҳам олға томон ҳаракат қилишга даъват этмоқда. Шу билан бирга улар биринчи ва иккинчи типли тола берадиган навларнинг очиқ-ойдин етишмаётганлигини тўғри кўрсатишмоқда. Алоҳида районлар ва зоналарнинг шароитларига мос келувчи танлаб олинадиган навларнинг тури етишмайди. Маҳаллий селекция навлари ҳозирча секин кўпайтирилмоқда. Кўп ҳолларда тўртинчи ва ҳатто бешинчи репродукциядаги уруғлардан экиш учун фойдаланилмоқда. Афтидан, ингичка толали навлар уруғчилиги ишини тубдан қайта қуриш талаб қилинадиганга ўхшайди.

Алмашлаб экиш участкаларига ўтиш далачилик бригадалари штатларини бир мунча қисқартириш ва бинобарин коллектив пудратнинг самарадорлигини ошириш имконини берди. Маҳсулот бирлигига қилинадиган меҳнат ва маблағ сарфи камаяди, иш ҳақининг таннархдаги улуши қисқаради, ҳар гектар ердан олинадиган фойданинг миқдори кўпаяди, маҳсулотнинг сифати яхшиланади.

Бу хулосани Охунбобоев номли совхознинг алмашлаб экиш участкалари мисолида олиб кўрайлик. Бу ерда ҳар бир бригадада илгари табелчи, ошпаз, мавсумий боғчаларининг икки-уч ходими, бир неча қоровул бор эди. Бундан ташқари, совхоз бўлимларининг ҳар бирида икки-уч ҳисоб ходими, биттадан гидротехник, механик ёрдамчиси, омборчи ва ҳоказолар мавжуд эди. Беш-етти бригадани ёки 120—150 кишини ўз составига бирлаштирган алмашлаб экиш участкалари қайта қурилгач, оз сонли штатлар: участка бошлиғи, бухгалтер-ҳисобчи ва механик билан иш битмоқда. Ягона дала шийпони, ягона ошхона, доимий болалар боғчаси, у қадар катта бўлмаган қоровуллик хизмати вужудга келтирилмоқда. Охунбобоев номли совхозда меҳнатни янгича ташкил этиш йиллик иш ҳақи фонди 120 минг сўмдан иборат 151 ходимни бевосита ишлаб чиқаришда қатнашиш учун бўшатиб берди.

Бу йилги мавсумда ўнлаб участкалар алмашлаб экиш схемаларига тўла кирадилар ва талаб этилган ротацияларни ҳеч қандай нуқсонсиз амалга оширадилар. 1985 йилга бориб район янада дадил одимлайди ва ҳар гектар суғориладиган ердан олинадиган пахта ҳосилини 45 центнерга, беда пичанини — 220 центнердан кўпроққа, маккажўхори донини 100 центнерга ва силос массасини 400—500 центнерга етказади.

Бироқ шу куннинг вазифалари юқорида айтилганлардангина иборат эмас. Ишнинг ҳолатини ўрганиш бригадалар ва участкаларнинг дастлабки, ҳисоботида тартиб ўрнатишга асосли равишда киришиш зарурлигини кўрсатмоқда. Коллектив пудратни ҳисоб-китобсиз ва талабчанликсиз система сифатида талқин қилиш зарарлидир. Алмашлаб экиш участкасининг раҳбари бригадаларнинг фаолияти устидан назорат қилиш билан, бригадирлар эса коллективнинг аъзолари ўртасида иш тақсимлаш билан мунтазам шуғулланишлари зарур. Бурноғи йили биз Қ. Раҳимов номли совхознинг «пудратсиз» деб аталувчи бригадаларидан бирида иш бутунлай издан чиққанлигига дуч келдик. Бригадир томонидан контролсизлигидан фойдаланган онги етарли бўлмаган ходимлар ишга ё кечикиб келардилар ёки бутунлай келмасдилар. Бунга бригадир наряд ўтказмаганлиги, конкрет топшириқ бермаганлигини баҳона қилиб кўрсатардилар. Интизомни бузувчиларга барибир табел тўлғазилар, иш ҳақи ёзиларди. Ўшанда бунга ўхшаш фактлар бизни ташвишга солди. Коллектив пудратнинг тажрибаси кўнгилсиз ҳолларга барҳам беришда ёрдамлашди, алмашлаб экиш участкаларини ташкил этиш эса ишлаб чиқариш контролини ва ўзаро ўртоқлик контролини фақат бригадалар ўртасида эмас, балки ягона массивда банд бўлган ва ягона мақсад билан боғланган участкаларда йўлга қўйиш имконини берди. Асосий мақсад меҳнат ва маблағ сарфини камайтирган ҳолда энг кўп юқори сифатли маҳсулот олишдан иборат.

Яна таъкидлаймизки, коллектив пудрат асосида ишловчи бригадаларда оддий ҳисоб-китоб юритиш зарур бўлиб, ҳар қандай бригадир бунинг уддасидан чиқа олади. Ҳисоб-китобсиз ҳар бир кишининг коллектив меҳнатидаги иштироки ўлчовини белгилаб бўлмайди, унинг улушини объектив баҳолаш, демак йилнинг натижасига қараб иш ҳақи ва қўшимча ҳақнинг ҳаққоний суммасини белгилашнинг иложи бўлмайди. Картограммада, тушунарлики, технологиянинг бажарилишини қайд қилиш керак. Такрор айтамизки, бунинг учун бригадирга бир кунда йигирма минут вақт кифоя қилади.

Ҳисоб ва контроллик одамни интизомли қилади, унинг ошкоралиги эса ходимни тарбиялайди. Ҳар бир кишининг иши ва хулқ-атворига коллектив бефарқ қарамайдиган бригадаларда, ҳамма бир киши учун ва бир киши ҳамма учун жон куйдирадиган, бир-бирига ҳурмат биргаликдаги меҳнатда ва ижтимоий манфаатларда шаклланадиган жойда коллектив барқарорроқ ва унумлироқ ишлайдиган бўлади. Бундай бригадага ҳамма ҳам қабул қилинавермайди. Унга аъзо бўлиб кирган киши ўзини кўрсатиши, ўз жойи ва обрўсига эга бўлиши лозим. Бригадир ёки бошқа раҳбар билан ошна-оғайнигарчилик бу ерда узоққа бормайди. Бригада коллектив пудрат асосида ишлар экан, демак ҳамма ва ҳар бир кишининг актив иштироки энг биринчи талаб ҳисобланади.

Биз район хўжаликларида камида бригадаларнинг ярмида, демак участкаларнинг ҳам ярмида қўнимсизликка барҳам берилди, деб ишонч билан айта оламиз. Бу ерда иноқ ва ўз ишини биладиган коллективлар, энг масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқиш қобилиятига эга бўлган коллективлар шаклланди. Масалан, Ленин номли совхозда 11 та алмашлаб экиш участкасига бирлашган 91 бригада мана, уч йилдан буён коллектив пудрат асосида ишламоқда. Ўтган йили улар 21 минг тонна — ҳар гектар ердан 45 центнердан ингичка толали пахта етиштирдилар ва йиғиб-териб олдилар.

Бригадалар ноишлабчиқиш вазифаларидан максимал даражада озод қилиниши алмашлаб экиш участкасининг ҳақиқатда кичик бошқарув штати зиммасига юксак масъулият юклайди. Шу туфайли у ўз ишини биладиган мутахассислардан, тажрибали ташкилотчилардан, одамларни ўзига тортиш қобилиятига эга бўлган ходимлардан танланиши лозим. Район партия комитети ва РАПО бундай кадрларни танлашга катта аҳамият бердилар. Алмашлаб экиш участкаларининг 48 бошлиғидан 35 киши қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари дипломига, агрономлар ёки механиклардан 13 киши ўрта махсус ўқув юртларининг дипломига эга. Участкалар раҳбарлари орасида 35 коммунист бор. Участка бухгалтерлари ва механиклари ҳам катта иш тажрибасига эга бўлган мутахассислардир. Зарур бўлганда участка бўғинининг у ёки бу ходими пастдан юқорига кўтариш мўлжалланган мутахассислар резерви ҳисобидан алмаштирилиши мумкин.

КОЛЛЕКТИВ ҲАЛ ҚИЛАДИ

ЎЗ ТАРКИБИГА ягона коллектив пудрат бригадаларини қамраб олган алмашлаб экиш участкаларини оёққа турғазишда шу участкалар билан бир вақтда ташкил этилган ишлаб чиқариш бўлинмаларидаги бошланғич партия, комсомол ташкилотлари, касаба союз комитетлари, халқ контроли группалари, сифат бўйича комиссиялар фаол роль ўйнадилар. Ҳар бир участкада ўртача олганда 10—12 партия аъзоси, 35—40 комсомол аъзоси бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ишчиларнинг ҳаммаси касаба союз аъзоларидир. Бу жамоат ўзагининг вакиллари участка кенгашлари таркибига кириб, шу йўл билан хўжаликка раҳбарлик қилишнинг демократик формасини мустаҳкамламоқдалар, айни пайтда ишлаб чиқариш раҳбарлари обрў-эътиборини оширмоқдалар. Коммунистларнинг таклифига кўра кўпгина бригадаларда ишчиларнинг жамоат ишлаб чиқаришидаги меҳнат иштирокини акс эттирувчи деворий табеллар жорий этилди. Ҳар беш кунда бир марта бригада кенгаши баҳолар қўяди. Бунда 100 процент ҳисобот учун ягона бирлик бўлади. Шуни айтиш мумкинки, жамоатчилик назоратининг бу тадбири меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга аъло даражада таъсир ўтказди.

Алмашлаб экиш участкаларининг ташкил қилинганлиги қишлоқ ҳаётини ўзгартириб юборгандай бўлди. Янги қизиқишлар пайдо бўлди. Кишилар меҳнат коллективида ўзларибоп жойни осонлик билан топадиган бўлиб қолишди. Бу нарса номлар ва вивескалар шунчаки ўзгартирилиши туфайли эмас, балки коллективни ишлаб чиқариш ва социал жиҳатдан ривожлантириш программаларини бир-бирига уйғунлаштириш туфайли рўй берди.

Ҳозир 150 кишигача етадиган коллективдан иборат участкаларда иш барқарор тусда кетаётган экан, ўз кучлари билан, асрлар бўйи синовдан ўтиб келган ҳашар йўли билан маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш масалаларини ҳал этиш имкони туғилди. Олдиндан айтиб қўя қолайлик: биз бу ўринда пландаги умум хўжалик объектларини эмас, балки қўшимча тадбирларни кўзда тутяпмиз. Гап бу ерда планга қўшимча равишда кўрилган фойдаларнинг бир қисмини ўтказишдан олинаётган маблағлар ҳисобига участкалар кучи билан амалга ошириш имкониятлари устида кетяпти. Ишга ана шундай ёндашилган тақдирдагина коллективнинг ишлаб чиқариш ва социал манфаатларини, иш ва ҳар бир кишининг шахсий манфаатларини бир-бирига тўлароқ уйғунлаштириб олиб бориш мумкин. Ишлаб чиқариш ва маиший турмушнинг ижодий ҳамкорлиги, ўзаро бир-бирига таъсири имкониятларини ҳам назардан қочирмаслик муҳимдир.

Будённий номли совхоздан СССР Давлат мукофоти лауреати Холмўмин Сафаров бошчилик қилаётган алмашлаш экиш участкаси коллективи ана шу имкониятлардан қандай фойдаланаётганини кўриб чиқайлик. Мазкур участка ўтган йили 252 гектар майдонда пахта, беда, маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирди. Участка 1,8 миллион сўмлик ялпи маҳсулотни реализация қилди. Ана шу маблағнинг ярми фойдага қолди.

Совхоз маъмурияти қарийб олтмиш минг сўмни Сафаров участкасига ички социал программаларни амалга ошириш учун ажратди. Участка коллективи умумий йиғилишда партия ташкилоти ва касаба союз комитетининг участка қўрғонидаги доимий ишловчи яслидаги ўринлар сонини яна 40 тага кўпайтириш, енгил материаллардан ошхона қуриш, шу йўл билан барча бригадаларни иссиқ овқат билан таъминлаш ҳамда участка ишчилари оилаларига имтиёзли баҳоларда таомларни тарқатишни ташкил қилиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди. Ошхонада унча катта бўлмаган новвойхона бўлиб, одамларга тушликда иссиқ нон берилади. Бундан ташқари, ёш келин-куёвлар учун иккита уй қуриш мўлжалланмоқда. Маъмурият томонидан ажратилган маблағ зарур бинокорлик материаллари: полбоп тахталар, шифер, дераза ва эшик ромларини сотиб олиш учун етади. Ҳозир бир гуруҳ участка ишчилари барча объектлар учун хом ғишт қуйишга киришдилар. Болалар боғчаси учун қўшимча бино пойдевори қўйилди.

Район партия комитети ва район ижроия комитети Холмўмин Сафаров участкаси ташаббусини қўллаб-қувватлади. Райондаги темир-бетон буюмлари комбинатига, бошқа бинокорлик бўлинмаларига зарбдор қишлоқ коллективига социал ривожланиш программасини амалга оширишда имкони борича ёрдам бериш топширилди.

Участка коллективи ҳашарга чин дилдан қатнашади. Бунда янги объектлар қурилиши учун бир гуруҳ ишчилар далаларда ишловчи кишилар сонини кўпайтирмаган ҳолда ажратилади. Одамларнинг кайфияти ниҳоятда кўтаринки. Улар ўзларининг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари, сарфлаётган куч-ғайратлари ўз оилаларининг талаб-эҳтиёжларини қондиришга, ҳар бир меҳнатчининг турмуш маданияти ошишига олиб келаётганлигини яққол кўриб турибдилар. Будённий номли совхоз 8-участкаси коллективининг фақат ишлаб чиқариш эмас, балки социал вазифаларни ҳам ҳал этиш борасидаги ташаббуси райондаги бошқа участкаларда ҳам маъқуллангани тушунарлидир. Биз маҳаллий имкониятлардан тўлароқ фойдаланган ҳолда ўзимизда бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этамиз. Шу мақсадда районда бунёд этилаётган хўжаликлараро ғишт заводи қувватларини оширамиз. Бойсун тизма тоғлари этакларида тош карьерини очамиз. Бу совхозлар, алмашлаб экиш бўлинмалари — коллектив пудратнинг барча қатнашчилари куч ва маблағларини кооперациялаш шароитида бажарса бўладиган ишдир.

Дастлабки натижаларни таҳлил қилар эканмиз, қишлоқда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги формаларига оддий меҳнатчилар бераётган баҳо ҳақида гапириш жоиздир. Улар бу усулда коммунистик муносабат куртаклари ривожланаётганини, омманинг ишлаб чиқаришни бошқаришга, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш масалаларини ҳал қилишга бундан буён ҳам жалб этилишини кўриб турибдилар. Бутун бошлиқ колхозлар ва совхозлар ҳам ана шу мақсадларга амал қилмоқдалар. Алмашлаб экиш участкалари коллектив пудрат билан ўзаро уйғунликда ҳар бир қишлоқни, майли у кичик бўлса ҳам, ҳар бир меҳнат коллективини ана шу мақсадга яқинлаштиради.

Р. ЭРГАШЕВ, Ленин йўли район партия комитетининг биринчи секретари; Б. ЖЎРАҚУЛОВ, район агросаноат бирлашмаси советининг раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати; А. ҚУРБОНОВ, Будённий номли совхоз директори; П. АБДУЖАЛИЛОВ, Ленин номли совхоз биринчи алмашлаб экиш участкасининг бошлиғи.

Сурхондарё область, Ленин йўли райони.

Саҳифа материалларини «Сельская жизнь» мухбири А. УЗИЛЕВСКИЙ тайёрлаган. («Сельская жизнь», 1983 йил, 21 апрель).

ҚЎШИҚЛАРДА КУЙЛАНГАН ҚАҲРАМОН

С. М. БУДЕННИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Йирик совет саркардалари орасида Гражданлар урушининг машҳур қаҳрамони Семён Михайлович Будённий (1883 — 1973) номи алоҳида ажралиб туради. У халқимиз севган ва эъзозлаган, тириклигидаёқ қўшиқларда куйланган, афсоналарда мадҳ этилган ҳарбийлардан эди. Совет Иттифоқи Маршали жуда қийин, машаққатли, айни пайтда шарафли йўлни босиб ўтди. Қашшоқ деҳқон оиласида дунёга келган С. М. Будённий жуда ёшлик чоғиданоқ оғир меҳнат азобларини бошидан кечирди. Будённий подшо армияси сафига чақирилиб, рус-япон уруши ва биринчи жаҳон урушида иштирок этди. Мардлиги билан хизматдош дўстларининг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Семён Михайлович Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг, қўлида қурол билан Советлар мамлакатини оқ гвардиячилардан ва чет эл интервентларидан ҳимоя қилишда жасурлик кўрсатди. У афсонавий Биринчи отлиқ армия қўмондони сифатида шу армия жангчилари билан она-Ватанимиз шонли йилномасига кўпгина ажойиб саҳифаларни қўшди.

Биринчи отлиқ армия Гражданлар урушида Деникин қўшинларини, Украинада Пилсудский армиясини ва Шимолий Таврия ҳамда Қримда Врангелни тор-мор қилиш бўйича йирик операцияларни муваффақиятли ўтказишда муҳим роль ўйнади. Будённийчилар бундай муваффақиятларга ўзларининг шиддаткор ҳаракатлари, темир интизомлари, юксак маънавий хислатлари билан бирга С. М. Будённийнинг буюк саркардалик истеъдоди туфайли ҳам эришдилар. Буюк доҳий В. И. Ленин Семён Михайловичга юксак баҳо бериб, унинг бир ўзи бутун бошли эскадронга татийди, деган эди.

Будённий биринчи жаҳон уруши тугагач, армиямизнинг энг фаол ташкилотчиларидан ва раҳбарларидан бирига айланди. У Совет Қуролли Кучларини янада мустаҳкамлаш учун катта иш олиб борди. Семён Михайлович Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлабоқ ўзининг бутун кучини, билим ва маҳоратини немис-фашист босқинчиларига зарба беришга бахшийда этди. 1941 йил 7 ноябрда Москвадаги Қизил Майдонда ўтказилган тарихий парадга қўмондонлик қилди. У Олий бош қўмондонлик ставкасининг аъзоси, бир қатор фронтларнинг қўмондони, Совет Армияси кавалериясининг қўмондони бўлди.

Урушдан кейинги йилларда Будённий тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун, СССРнинг интернационал алоқаларини мустаҳкамлаш учун курашда иштирок этди. У ҳаётининг

сўнгги минутларигача борлиқ кучини Ватан хизматига бағишлади.

Партия ва ҳукуматимиз халқ қаҳрамони Семён Михайлович Будённийнинг катта хизматларини муносиб тақдирлади. У уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони фахрий унвонига сазовор бўлди. Кўпгина орденлар, жумладан, Ўзбекистон ССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган эди.

Совет қишилари инқилоб солдати, коммунист, саркарда С. М. Будённийнинг ёрқин хотирасини ҳамиша қалбларида сақлайдилар.

БОҒЛАРДА

Ҳамид ҒУЛОМ,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

Дўстлар, менга тутманг косада шароб,
Аччиқ май босмагай кўнгил ташнасин.
Бу тонг менга қадаҳ-чароғон офтоб,
Тўйиб симирайин баҳор нафасин.

Кечагина келдим завқли сафардан,
Кездим водийларни, чиқдим тоғларга.
Нур эмдим, бол тотдим тиниқ саҳардан,
Меҳмон бўлдим қанча янги боғларга

Олма гулларини севаман жуда,
Ҳар бир нозик барги худди ширин лаб.
Эҳ, асаларилар, гулзор мавжида
Сиз чақнаб учасиз мисоли кавкаб.

Мен ҳам ором билмай асал излайман —
Маъно асалини, сўз асалини.
Хушнуд ўйга толиб, гоҳо сезмайман
Ногоҳ туғилганин дил ғазалининг.

Зафарнинг онаси — меҳнат, изланиш,
Шулардан туғилар жами кашфиёт:
Янги гул, янги нор, буғдою кишмиш.
Хуллас, янгиликдан файзиёб ҳаёт.

Узун бир кун кездим Янгиқўрғонда —
Қирғиз тоғларига туташган район.
У ерни кўрмаган қолур армонда,
Фақат бир сўз билан мен этсам баён:
Жаннат!.. —

Инсон қўли яратган чаман.
Ҳарён боғ,
ҳатто тоғ этаклари ҳам.
Ҳа, дўстлар, заррача лоф эмас чамам,
Мен энди у ёққа тез-тез учаман.

Ўтмишнинг сеҳрли эртаклари ҳам
Ҳозирги даврда фақат жўн чўпчак.
Мозийни хаёлга етаклади ғам,
Бизга-чи! Энг олий мақсад — келажак.

Орзулар чечаги, иқбол чечаги —
Дунёни одамзод учун янгилаш.
Нимайки, ҳасратли бўлса — кечаги,
Нимайки, шодлик, бахт-тагида кураш!

Боғларда,
бағри кенг Ўзбекистоним,
Боғларингда кезиб, жоним яйради,
Боғларингда кезиб, яйради жоним,
Ва, муштоқ булбулдай тўлиб сайради.

Ҳар қадамда кўрдим янги бўстонлар,
Янги қурилишлар —
фақат янгилик.
Янгилик яратса тинмай инсонлар,
Уларнинг бахти ҳам бўлур мангулик!

20 апрель, 1983 йил, Наманган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра профессори: биофизика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
кафедра доцентлари: рус тили диалектологияси ва тарихи (2 ўрин), ҳозирги замон рус тили (2), меҳнат ва оила ҳуқуқи, тупроқшунослик;
кафедра катта ўқитувчилари: этнография, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи;
кафедра ўқитувчиси: роман-герман филологияси факультетида инглиз филологияси;
полимерлар химияси проблемали лабораториясининг катта илмий ходими;
полимерлар химияси проблемали лабораториясининг кичик илмий ходимлари (2).
КОНКУРС МУДДАТИ — 10 МАЙГАЧА
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУнинг маъмурий биноси, 6-қават, 63-хона, кадрлар бўлими.

●

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
25 апрель соат 19.30да
П. И. Чайковский
«ИОЛАНТА»
(Икки кўринишли опера)
Дирижёр — А. Серебряний.
Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Ф. САФАРОВ.
Рассом Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. ФЕСЬКО.
Хормейстерлар — Л. ШИЛЬКРУТ, М. ЯДРИНСКАЯ.
Билетлар сотилмоқда.
Спектаклдан тушган маблағ тинчлик фондига берилади.

●

Ўзбекистон ССР 1983 йилги пул-буюм лотереяси иккинчи чиқарилиши бўйича 19—20 апрелда Учқўрғон шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг газетанинг кечаги сонида эълон қилинган расмий жадвалига серия номери 06354, билет номери 146 бўлган лотереяга чиққан 200 сўм пул ютуғи қўшиб ўқилсин.

БУГУН—ЁШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти интернационал дўстлик клуби турли миллат ёшларининг дўстлигини мустаҳкамлаш юзасидан самарали ишлар олиб бормоқда. Лотин Америкасининг миллий қаҳрамони Эрнесто Че Гевара номи билан аталувчи мазкур клуб ўзининг 13 йиллик фаолиятида чет эл студентлари билан ишлаш бўйича катта тажриба орттирди. Ҳозир у республикадаги шундай клублар орасида ғоят ибратли фаолият кўрсатаётир. Клуб олий ўқув юртида таҳсил олаётган турли миллат йигит-қизларини бирлаштиришда муҳим иш бажармоқда.

Институтда 12 минг студент таълим олмоқда. Республикамиз ёшлари билан бирга Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан келган йигит-қизлар аҳиллик билан билим чўққиларини эгалламоқдалар. Шуниси қувончлики, хорижий студентлар ўзбек диёрида ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Машғулотлардан бўш вақтларда клуб ғоят гавжум бўлади. Чет эллик йигит ва қизлар бу ерда бир-бирлари билан дўст ва иноқ суҳбат қурадилар, машғулотлар ўтказадилар. Турли мавзулардаги суҳбатлар, фикр олишувлар айниқса мароқли бўлади. Интернационал дўстлик клуби музейларга, театрларга ва кинотеатрларга коллектив бўлиб боришни, Советлар мамлакати революцион ва меҳнат шуҳратидан ҳикоя қилувчи диққатга сазовор жойларга экскурсияларни мунтазам уюштирмоқда. Суратда институт кўпмиллатли студентлар оиласининг бир гуруҳи акс эттирилган.

Ф. Қурбонбоев фотоси (ЎзТАГ).

ФИРИБГАРЛАР ЖАЗОСИ

СУД ОЧЕРКИ

Бурноғи йили Чирчиқ шаҳрида ғалати бир воқеа рўй берди. Ўзларини «масъул савдо ходимларимиз» деб танитган уч номаълум киши Сайфулла Турсуновга енгил машина ваъда қилиб, ундан 11300 сўм олдилар-да, сувга тушган тошдек дом-дараксиз ғойиб бўлдилар. Сайфулла уларни шартлашилган жойда узоқ кутиб, тоқати-тоқ бўлгач, шаҳар ички ишлар бўлимига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шундан кейин бутун республика бўйлаб жиноятчиларни қидириш бошланди. Орадан кўп ўтмай, уларни Тошкент аэропортида қўлга туширдилар. Маълум бўлишича, бу жиноятчилар ўз қилмишлари билан отнинг қашқасидек танилиб қолган ва зўр бериб қидирилаётган экан.

Даставвал, терговь пайтида, кейинроқ суд давомида қилни қирққа ёриб, бу уч найрангбознинг бир неча йил давомида қилган барча жиноятлари бирма-бир фош қилинди. Сувга чўкаётган одам хасга ёпишгандек, қилмишлари фош бўлаётганини кўриб, аввал бу тўданинг ташкилотчиси Николай Миненков, сўнгра Ҳафиз Галямов билан Ренат Мадраҳимовлар шоша-пиша айбларига иқрор бўлишди. Уларнинг маънавий қиёфаси деярли бир хил эди. Учови ҳам жон койитмай, бировлар ҳисобига кун кўришга шунчалик ружу қўйишган эдики, ҳалол меҳнат қилишни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмасди. Миненков илгари ҳам судланган, ўттиз саккиз йиллик умрининг ўн олти йилини қамоқларда ўтказганди. Галямов билан Мадраҳимов ҳам фирибгарлик кўчасига киргунча бир мартадан судланиб улгуришган эди. Бироқ улар қамоқдан тавбаларига таянмай чиқишди. Буни айниқса, кейинги воқеалар яққол кўрсатди.

Улар 1978 йилнинг охирида бир ерга тўпланишди. Миненков ўзи тузиб қўйган режани шериклари билан ўртоқлашаркан, энг аввал улардан ўзига ҳеч сўзсиз итоат этишни талаб қилди, сўнгра навбатдаги жиноятни амалга ошириш йўл-йўриқларини уларга эринмай ўргата бошлади. Ҳатто, юриш-туриш тафсилотлари, сўзлашувдаги оҳанг ва аломатлар, костюмларнинг ранги ва бичилишига доир икир-чикирлар ҳам четда қолмади. Группа аъзолари ўзлари ўйнаши лозим бўлган ролни танлаб олиб, бутун вужуди билан ана шу ролдаги қиёфага кириб оладиган бўлишди. Жумладан, Миненков Ҳафиз Галямовга «мижозларга» ўзини совет муассасасининг ходими сифатида таништириш вазифасини топширди. Шу сабабли Галямов ҳамиша қимматбаҳо матодан тикилган сипо, қорамтир тусдаги костюмни кийиб юрарди. У костюмнинг қайтарма ёқасига аллақаердан ўғирлаб олган маҳаллий Совет депутати значогини, олий ўқув юртини битирганларга бериладиган нишонни ҳам тақиб олди. Бу фирибгарларнинг фикрича, кишиларда ўзларига нисбатан ишонч туғдиришни осонлаштириш керак эди.

Учала фирибгар айниқса, ҳар бир муваффақиятли якунланган жиноий ишдан кейин тезлик билан ўз изларини йўқотишга алоҳида эътибор беришарди. Улар навбатдаги «операция» амалга оширилгач, шаҳардан самолётда эмас, балки кира қилинган шахсий машинада ёки таксида жўнаб кетишар, машина шофёрида шубҳа туғдирмаслик учун йўлда ҳеч қачон «иш» ҳақида оғиз очишмасди. Миненков уларга ҳатто навбатдаги «ов»дан сўнг уч-тўрт кунгача спиртли ичимлик ичишни ҳам тақиқлаб қўйганди. Сирасини айтганда худди мана шу «интизом» сабаблигина бу жиноятчилар анча вақт фош бўлишдан сақланиб келишди.

Миненков машғулот ва машқлар ўтказилаётганда айниқса ҳамма икир-чикирларга риоя қилинишини кузатиб турар, улар бу машқлар билан қора терга ботиб ҳолдан тойиб қолгунларига қадар шуғулланишарди. Миненков Мадраҳимовга ташаббусчи-воситачилик ролини ажратди. Шу сабабли Ренат автомагазин ва бозорларни айланиб, автомашина олиш орзусида бегона шаҳарга келган кишилар билан танишиб олгач, уни Миненков билан учраштирарди. Николай эса бу харидорга ўзини савдо ходими деб таништириб, автомашина савдосига оид ҳужжатларни расмийлаштириб берадиган «масъул ходим» Галямовни «ўйинга» киритарди. Диалоглар ва «саҳна» кўринишларидаги театрлаштирилган ишлардан ташқари улар Миненковнинг талаби билан ҳатто психология дарслиги ва ажнабий терминларни ҳам ўргандилар. Китобларни бир вақтлар Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тугаллаган Ренат Мадраҳимов олиб келди.

1981 йилнинг ноябрь ойи охирларида фирибгарлар Новосибирск шаҳрида пайдо бўлишди. Мадраҳимов енгил автомобиллар сотиладиган бозорда мижозларга ўзини қалбаки ном билан таништириб, тузоғига илинган Михаил Кричевский ва Евгений Тихоновга яп-янги «Жигули» автомашинасини сотиб олишни таклиф қилди. Улар бу таклифга жон-жон деб рози бўлишди. Ренат эртаси куни олдин Кричевскийни, сўнгра Тихоновни «автомобиль магазини ходими» Николай Миненков билан учраштирди. Миненков эса ўз навбатида уларни «область ижроия комитети ходими» Галямов билан таништириб қўйди. Кейинроқ ҳар иккала ҳолда ҳам автомашиналар ҳужжатини расмийлаштириш ролини ижро этаётган Галямов мижозларнинг паспортларидан керакли маълумотларни ёзиб олди-да, уларга янги ойнинг биринчи кунида, яъни 1 декабрда шу ерда учрашишни таклиф қилди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Жиноятчилар керакли ҳужжатларни тайёрлаб олишга улгуришлари лозим эди. Улар 343-рақамли сохта касса кирим ордерларини ясаб, Кричевский ва Тихоновдан машина учун тегишли 9300 сўм ва 7700 сўм пул кассага қабул қилинганлигини қайд қилиб ёзиб қўйдилар. Шу билан бирга муҳрсиз штамп ва имзосиз учта ордер билан буюртма-мажбурият бланкасини ҳам тўлдириб қўйишди.

Эртаси куни улар ўзлари ўрганиб кетган одат бўйича иш тутиб, Галямов мижозларга имзо қўйилган қалбаки касса-кирим ордерларини тутқазиб, Кричевскийдан 10800 сўм ва Тихоновдан 7700 сўм пулни ундиргач, учала фирибгар Новосибирск шаҳридан зудлик билан жўнаб кетди.

Фирибгарларнинг барча қилмишлари бирма-бир қайд этилган айбномада шунга ўхшаш ҳодисалардан йигирма биттаси батафсил акс эттирилган. Ҳа, бу уч жиноятчи йигирма бир марта ана шундай қаллоблик саҳнасини ижро этишган. Улар навбатдаги алдамчиликдан олдин кўзланган шаҳарга келган кунларидаёқ биринчи галда маҳаллий шароит билан яқиндан танишиб чиқишарди. Меҳмонхонага жойлашиб олгач, магазинлар ва муассасаларга кириш ва чиқиш жойларини ўрганишар, бу идора деворларига ёпиштирилган эълонлар ва девори газеталарни, ҳатто хизмат кабинетлари эшикларидаги ёрлиқларни ҳам назардан қочирмай, улардан ана шу муассасаларда ишлаётган ходимларнинг фамилияларини ён дафтарларига ёзиб олишар, кейинроқ эса мижозлар билан муомала пайтида ана шу маълумотлардан моҳирлик билан фойдаланишга ҳаракат қилишарди.

Бу фирибгарларни мамлакатнинг деярли барча республикаларида излашмоқда эди. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига юборилган жиноий ишларга доир «Дело»ларда уларнинг қўлда чизилган портретлари ҳам бор эди. Кўп суратларда Миненков қора кўзойнак тақиб олган, у билан Галямов оппоқ охорли костюмда тасвирланган эди. Улар бу кийимларни мамлакатнинг жанубий қисмида «иш» олиб бораётган даврда салобатли кўриниш учун атайлаб кийиб юришарди.

Биз ушбу очеркда фирибгарлардан жабр кўрган кишиларнинг исм ва фамилияларини бирма-бир санаб ўтмоқчи эмасмиз. Аммо шу ўринда шахсий манфаатини кўзлаб бошқа шаҳарларга танда қўйиб, фирибгарларнинг тузоғига осонлик билан илинган баъзи лақмаларнинг исмини келтирсак фойдадан холи бўлмас, албатта.

Тошкентлик шофёр В. Бучин автомашина сотиб олиш учун Қарағанда шаҳрига бориб қолди. Шу ерда Миненковлар билан танишиб, уларнинг гапига лаққа ишондида, суриштириб ҳам ўтирмай ваъда қилинган машина учун 10700 сўм, бундан ташқари «хизмат ҳақига» деб 2 минг сўм пулни ўз қўли билан топширди. Куйбишев шаҳрилик Александр Матин ҳам фирибгарларга 10 минг 300 сўмни қандай қилиб ўз қўли билан санаб берганини билмай қолди. Касб-кори бухгалтер бўлган Эшпўлат Пирназаров ҳам жиноятчилар қўйган тузоққа ўз оёғи билан келиб илинди. Миненков билан Галямов уни савдо базасига олиб келиб, яп-янги «Жигули»лар колоннаси олдида тўхташди-да, «Қани, шулардан биттасини танлаб олинг, қандай ранглисидан бўлса ҳам майли» дейишди. Эшпўлат Пирназаров ғоят ҳаяжонланган ҳолда қордек оппоқ машинанинг чанг босган ойнасига «Пирназаров» деб ёзиб қўйгач, «Мана шунисини оламан» деди ва шу заҳоти 9300 сўмни фирибгарларнинг қўлига тутқазди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, машина ишқибозлари кўпинча фирибгарларга якка ўзлари эмас, балки қариндош-уруғлари ёки таниш-билишлари ҳамроҳлигида келиб мурожаат қилишарди. Бироқ қаллобларнинг усталик билан иш олиб борганлари уларни адаштириб қўяр, ҳамроҳлари ҳам буларнинг гапига чиппа-чин ишониб қолишарди. Мижозлар, одатда, Галямовни савдо базаси территориясидан топишар, Миненков уни чақиртиргандан сўнг Ҳафиз Галямов хизмат пайтида кийиладиган тўқ ҳаво ранг халатда, бир қўлига калитлар шодаси ва бир даста накладнойларни ушлаб, иккинчи қўли билан эса ҳар хил «ҳужжатлар» солинган папкани қўлтиқлаб, уларнинг ҳузурига келарди. Қордек оппоқ ёқалик кўйлак, қорамтир галстук ва кўк халат ҳамда «масъул савдо ходими»нинг очиқ дарвозадан кимлардадир қаттиқ-қаттиқ гапириши кўнглида озгина шубҳа бўлган кишини ҳам чиппа-чин ишонтириб қўярди. Баъзи жойларда Галямов мижозлардан пулни ундиргач, муҳр босиш ва имзо қўйиш учун муассасаларнинг юқори қаватларига кўтарилиб, ҳеч ким йўқ хонада ёки даҳлизда бу ишни бемалол бажариб чиқарди.

Халқимизда бузоқнинг югургани сомонхонагача деган гап бор. Фирибгарлар ҳар қанча изларини яширишга ҳаракат қилганлари билан охири қўлга тушдилар. Улар энди тегишли жазоларини тортадилар, албатта. Аммо улар қўлга тушгунларига қадар жуда кўп кишиларни алдаб, жами 192 минг 730 сўм пулни фирибгарлик билан ўзлаштириб улгуришган эди. Суд бу учала жиноятчининг ҳар бирига олти иттифоқдош республика қонун моддалари бўйича айб қўйди. Тошкент шаҳар Ленин район халқ суди уларнинг ҳар бирини 9 йилдан озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Очеркимизга нуқта қўйишдан олдин суд пайтида залда тўпланган кишилар берган бир саволни ўртага ташламоқчимиз: Хўш, бу фирибгарлар бир неча йил давомида қандай қилиб ўз жиноятларини амалга ошириб келишди? Тўғри, улар бу жиноятни баъзи кишиларнинг соддалиги, тўғриноғи лақмалигидан фойдаланиб, уларнинг ўз шахсий манфаатини кўзлаб ҳар қандай қилиб бўлса ҳам орзу-ниятларини амалга ошириш учун ҳаракат қилаётганларидан, шахсий мулкка ҳирс қўйишларидан фойдаланиб амалга оширдилар. Қаерда қонунга хилоф тарзда иш қилинса, шу ерда жиноят содир бўлиши бу уч фирибгарнинг «фаолияти»да ҳам ўз аксини топди. Агар кишилар ўз вақтида уларнинг йўлини тўсиб қилмишларини фош этганларида, бундай оғир жиноят содир бўлмасди, албатта.

В. САФИУЛОВ.

СПОРТ

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● **ЧИМ ХОККЕЙ.** Андижонда СССР кубоги учун курашнинг ярим финалчилари аниқланди. Андижоннинг «Звезда» командаси Киев областининг «Искра» коллективини [2:1] ютиб, ярим финалга йўлланма олди. Энди андижонлик хоккейчилар Свердловск армиячилари билан майдонга тушадилар.

● **ШАХМАТ.** Москвада ўтказилаётган юбилей чемпионати якунланай деб қолди. Ҳозир жаҳон чемпиони А. Карпов билан Л. Псахис 7 тадан очко тўплаб, пешқадамлик қилмоқдалар. Тошкентлик Г. Аъзамовнинг Е. Геллер билан учрашуви кечиктирилди. У Азмайпарашвили билан кечиктирилган ўйинни давом эттириб, ғалаба қозонди ва жами очколарини бештага етказди.

БАХТЛИ НОМЕРЛАР

23 апрель куни бўлиб ўтган «Спортлото» 17-тиражининг натижалари:
«49 дан 6»: 2, 3, 10, 19, 24, 47.
«36 дан 5»: 6, 7, 13, 25, 28.
(ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/IVда **Оққуш кўли** (12.00), **Флория Тоска** (19.30), 25/IVда **Иоланта**, 26/IVда **Князь Игорь**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IVда **Қиёмат қарз**, 26/IVда **Келинлар қўзғолони**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/IVда **Мангулик**, 25/IVда **Заҳар ичган даъвогар**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«Етти ажойиб масхарабоз» — Москва циркининг томошалари** (11, 14, ва 17.00).

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент Халқ хўжалиги институти коллективи институт ҳисоб-экономика факультети декани доцент М. Я. Ҳамроевга отаси

Ягмур ҲАМРОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат университети ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари университет проректори, халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати, профессор Ш. Шомуҳамедовга онаси

Ҳошия ШОМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Экран дўстларни чорлайди. 10.25 — Будильник. 10.55 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.55 — Здоровье. 12.40 — Тонгги почта. 13.10 — Совет тупроғидаги учрашувлар. 13.25 — Қишлоқ янгиликлари. 14.25 — Музикали киоск. 14.55 — Комсомол зарбдор қурилишининг уч адреси. 15.10 — Антон карнайчи. Бадиий фильм. 16.10 — Саёҳатчилар клуби. 17.10 — Музикали кўрсатув. 17.55 — Алоҳида эътиборга сазовор соҳа. 18.55 — Халқаро панорама. 19.40 — Виборг томони. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Дон Паскуале. Фильм-опера. 23.05 — Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финляндия — Швеция. 00.25 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Антонина Брагина. Бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар. 11.30 — 1983 йил қўшиқлари. 12.25 — Ҳайвонот оламида. 13.25 — Ижодий портретлар. 14.55 — Эркин кураш бўйича Европа чемпионати. 15.25 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Ёқутистон АССР Давлат рақс ансамблининг концерти. 16.15 — М. Байжиев. Биз — эркаклармиз. Спектакль. 17.40 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 18.00 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм. 12-серия. 19.15 — Классик кураш бўйича Европа чемпионати. 19.45 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қувноқ Роман. Бадиий фильм 23.10 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Кўлингни бер, ўртоқ. 10.30 — Ўзбекистон спорти. 11.00 — Тошкентнинг 2000 йиллигига. 11.45 — Мультфильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Чол ибн Хаттоб. Бадиий фильм. 14.25 — Оналар мактаби. 14.55 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 15.30 — Реклама. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.15 — Бойчечак. 18.45 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова куйлайди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова куйлайди (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Улар ўтолмади. Бадиий фильм.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

25 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.20 — Время. 9.40—Бу эркакларга хос дўстлик. Бадиий фильм. 10.45 — Фильм-концерт. 11.45—Ҳужжатли фильм. 12.25—Халқ оҳанглари. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Совет Иттифоқи бўйлаб. 15.40 — Оналар мактаби. 16.10 — М. Исаковский поэзияси. 16.50 — Концерт. 17.15 — Объектив. 17.45 —Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 18.15 — Фильм-концерт. 18.45 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов телетомошабинлар хатларига жавоб беради. 19.15 — Хоккей. Жаҳон чемпионати. Италия — СССР. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей. Жаҳон чемпионати. ГДР —Канада.

МОСКВА-II Профилактика муносабати билан марказий телевидениенинг II программаси 25 апрель душанба куни намойиш этилмайди.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Табиатшунослик. 12.00 — Телефильм. 12.30 — География. 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 — Болалар учун концерт. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Дон-чорвачилик комплекси қурилишига — юқори суръат. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Бугун оламда нима гап? 22.15 — Ўлик мавсум. Бадиий фильм. 1-серия. 23.20 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Қизиқувчилар экрани. 18.45 —Олий математика. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Янгиликлар. 20.15 — Дон Кихот фарзандлари Бадиий фильм.

«Радио»

24 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада концерти. 9.15 — Табассум. 11.30 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 12.10— Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Дам олиш соатида. 14.00 — Замин ва замондош. 17.40 — Куйлардан куйларга. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 18.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 19.25 — Ёшлик. 20.50 — Жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунига. 21.00 — Табассум. 22.30 — Лирик концерт. 23.10 — Теннис бўйича халқаро ўсмирлар турниридан репортаж.

25 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши кайфият. 9.15 Концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар, режалар. 10.15 — Публицист минбари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Музикали танаффус. 19.25 — Концерт. 20.50 —Афғонистон революциясининг беш йиллигига. 21.00 — Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Концерт. 23.10 — Теннис бўйича халқаро турнирдан репортаж.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР



БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41
ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.